Миртожиев Жалолиддин Турсунович – Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми, ҳайкалтарош

Низомов Тўлан (Тўлан Низом) – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

Раҳимов Камолиддин – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда

Раҳмонов Шавкат Раҳмонович (Шавкат Раҳмон) – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир

Тожибоев Маҳмуджон Ғозиевич – Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи

Умарбеков Ўлмас Раҳимбекович – Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси

Умаров Фахриддин – Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи

Уснатдинов Шарап – Қорақалпоғистон Республикаси халқ ёзувчиси

Холмирзаев Шукур – Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси

Худойбердиева Ҳалима Умматқуловна – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

Худойшукуров Отажон – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда

Шарипов Ҳусан Ортиқович – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуваҳобов Абдураим Абдуллахаевич – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, актёр

Бўронов Икромжон – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда

Жабборов Жуманиёз – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири, драматург, таржимон

Қодиржонова Дилнура – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, мақом ижрочиси

Матчанов Аманбай (Омон Матжон) – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

Мухторов Омон Сулаймонович – Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, шоир, ёзувчи

Отажонов Ортиқ – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда

Раҳимов Мирзоҳид Собитович – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, сухандон

Раҳмонов Муҳаммади – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир

Тожибоев Ҳожимурод Шодиевич (Ҳожибой Тожибоев) – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, бадиий сўз устаси

Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажитович – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, сухандон

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 август

Самарқанд вилояти

Муносабат

Шижоатга ундовчи даъват

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетасига берган «Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда» сарлавҳали интервьюсини ўқиб...

Суҳроб РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси

Аввало, интервьюни ўқиб, биз она диёримизни ўзгача лутф, яъни «Янги Ўзбекистон» дея атаётганимиз ва амалга оширилаётган ислоҳотлар замиридаги мақсад кўз ўнгимда рўй-рост намоён бўлди.

Ростини айтганда, мазкур интервьюнинг моҳиятини чуқурроқ англашимга яна бир мақола катта туртки берди. Бу сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Ishonch» газетасида чоп этилган «Шавкат Мирзиёев феномени» мақоласи эди. Унда ана шу ислоҳотларнинг натижалари теран таҳлил ва халқона руҳда очиб берилган.

Одатда шундай. Биз яхшиликларни тез унутамиз. Биргина мисол, олдинлари давлат ва халқ орасида жуда катта тўсиқлар мавжуд эди. Бугун-чи? Интервьюни ўқир эканман, давлат ва давлат идораларининг халққа қанчалик яқинлашганини яна бир бор англадим.

Барча соҳаларда бирдек олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида бугун давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари оддий одамлар билан доимий мулоқот ўрнатиб, уларни қийнаётган масала ва муаммолар ичига кириб борди. Одамларни бугунги ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлаш катта-ю кичикнинг бурчига айланди.

Ўзимдан қиёс. Турли соҳаларда узоқ йиллар раҳбар бўлганман. Одамлар дардини тинглашга ҳафтанинг бир неча соатлари ажратилиб, чекланган мурожаатчилар қабул қилинарди. Айниқса, ҳокимиятларда ана шу қабул кунларини кутиб қанчадан-қанча вақт бесамар ўтказиларди. Баъзан турли баҳоналар рўкач қилиниб, қабул кунларини ойлаб кутишга мажбур бўлингани ҳам бор гап.

Сира эсимдан чиқмайди. Пахтачи туманида яшовчи бир фуқаро касаба уюшмаларига ариза билан мурожаат қилди. У ўз хатига 70 рақамини қўйгани эътиборимизни тортди. Маълум бўлишича, бу фуқаро ўзи дуч келган муаммога ечим истаб 69 та ташкилотга мурожаат қилган экан. Жамоат ташкилотига мурожаати унинг етмишинчи номаси бўлиб чиқди. Қарангки, оддий бир фуқаронинг арзи ҳолини ҳеч ким тингламабди.

Бу – кечаги кун.

Катта авлод вакилларининг ёдида бўлса керак. Бир вақтлар колхознинг оддий бригадирига дардингни ёролмасдинг...

Ҳа, йиллар давомида оддий одамларнинг дарду ташвишларидан анча олислаб кетган эдик.

Хўш, бугун-чи?

Эндиликда бирор бир фуқарога ўз муаммосини ҳал этиши учун эшик саноб юриши, раҳбарни кутишига ҳожат йўқ. Ҳамма муаммосини уйида ўтириб, онлайн тарзда етказмоқда. Хоҳласа, вилоят ҳокими, ҳатто, давлат раҳбари билан мулоқот қилиш имкониятига эга. Энди айтинг-чи, қайси даврда фуқароларга бундай шароит яратилган?

Фаолият тақозоси билан шундай мулоқотларда биз ҳам иштирок этяпмиз. Каттақўрғон туманида аҳолининг ижтимоий аҳволи ўрганилганда, ўн нафар ҳаётда қийналган, мутлақ бошпанага эга бўлмаган аёллар истиқомат қилиши аниқланган эди. Бу ҳолат туманнинг ўша даврдаги ҳокими (раҳматли Аъзамхон Баҳромов)ни қаттиқ ташвишга солгани кечагидек эсимда.

Бу мавзуда кўп фикрлашдик. Оқибатда, туман ҳудудида ўнта намунавий уй қурилиши лозим деган қарорга келинди. Очиғи, битта умумий (оилавий ётоқхона) уй қурилиши билан бу оилаларнинг муаммоларини ҳал этиш мумкин эди. Аммо фарзандлар ва оила келажагини ўйлаб, уларга бир умрга асқотадиган турар жой қуриш афзал кўрилди. Ҳокимлик ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида ихчам бир маҳалла бунёд этилди. Ўнта коттеж уй ҳокимлик ташаббуси билан тўла жиҳозланди. Мана бугун шу хонадонларда яшовчиларнинг баъзилари тўй қилиб, келин туширмоқда.

Ўтган қисқа даврда Самарқанд вилоятида кўмакка муҳтожлар учун 80 дан ортиқ шинам уй қуриб берилди. «Аёллар дафтари»га киритилган 80 минг нафардан ортиқ хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди.

Шу ўринда яна бир ҳолат ёдимга тушмоқда. Самарқанд шаҳрига раҳбар бўлганимда туризм ҳудудидаги ҳолатлардан кўп куйинганман. Имкон яратилмагани сабабли шаҳар аҳли, меҳмонлар транспорт воситаларини шундоқ катта кўчанинг истаган ерида қолдириб кетишарди. Бу эса йўлларда тирбандлик, ҳаракатда ноқулайликларга сабаб бўларди. Ҳоким сифатида кўп уриниб ҳам бу ҳолатни бартараф этиш қийин бўлган эди. Топшириқлар кўп бўлса-да, молиявий манбаси аниқлаб берилмагани боис, кўплаб камчиликларнинг ўз вақтида ечилишига мутлақ имкон йўқ эди.

Бир пайтлар бу масканга ташриф буюрувчилар сони эллик мингга етганда бизда туризм равнақ топмоқда, дея суюндик. Шаҳардаги бир-икки кўчанинг жиҳозланиши ва шу йўл бўйлаб ўтавериш сайёҳларга ҳам ёд бўлиб кетганди.

Бугун туризмга бўлган эътибор боис кўҳна шаҳарга ташриф буюрувчилар сони кескин ўсди. Ҳудудда туризм инфратузилмаси ривожлантириш бемисл юксалди. Аждодларимизнинг анъанавий меросларини ўзида мужассамлаштирган қишлоқлар пайдо бўлди. Бугун туризм қишлоғига айлантирилган Конигилда бўлган киши бу сўлим масканни тарк этиши осон эмас. Ургут туманидаги эко ва агро туризм истиқболини кўзлаб қилинаётган ишлар нафақат хориж, балки диёримиз фуқароларини ҳам лол этмоқда.

Буларнинг барчаси бугуннинг ҳақиқатлари. Биз кутган кунлар эмасми?

Яна бир ҳолат, ўша даврларда ҳатто, қўшни мамлакатлардаги қон-қардошлар етти ёт бегонага айланишига бир баҳя қолди. Эсимда, Тойлоқ тумани ҳокимининг собиқ ўринбосарининг қизи тақдир тақозоси билан қўшни давлатнинг Панжакент туманига келин бўлиб тушади. Ота фарзандидан айро яшаб ҳам келди. Бориш-келиш азобини эса қўяверинг. Кунларнинг бирида қиз тушган хонадондан тўйга таклифнома келади. Бобога набирасининг тўйида иштирок этмаслик таъна-маломатдек туюлади. Нима бўлса бўлар, дея ўша оғайнимиз қўшни давлатга бориб, жигаргўшалари ҳуррамлик кунига шерик бўлади. Бир кунлик тўй ўтади-кетади. Аммо собиқ мулозимнинг боши маломатдан чиқмай қолди. Охир-оқибат, бу «хатосини» «жазо» билан оқлашига тўғри келди. Бугун у кунларни бош чайқаб эслаймиз, холос.

Президентимизнинг эзгу ташаббуси минтақада аҳил қўшничилик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаб берди. Буни бугун барчамиз ҳаётимизда яққол кўриб турибмиз. Назаримда, бунга яна мисол келтиришнинг ўзи ортиқча.

Маҳалладошлар, тенгу-тўшлар даврасидаги гурунгда энг кўп тилга олинадиган бир ҳолат бор. У ҳам бўлса – юртимизда бўлаётган ўзгаришлар. Бунёдкорлик кишилар дилидаги қулфни ечиб юборди. Аҳолининг турмуш даражаси сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурлар самараси нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг интервьюдаги фикрларини кишини мушоҳадага ундовчи теран чақириқ сифатида қабул қилдим. Юртимизда олиб борилаётган одилона ва оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлаш фуқаролик бурчимиздир. Бу Ватан – бизники. Унинг янада гуллаб-яшнаши сизу бизнинг саъй-ҳаракатимизга ҳам боғлиқ. Шундай экан, шу юрт учун хизмат қилиш ҳар биримиз учун шон-шарафдир.

СИРА ЭСИМДАН ЧИҚМАЙДИ. ПАХТАЧИ ТУМАНИДА ЯШОВЧИ БИР ФУҚАРО КАСАБА УЮШМАЛАРИГА АРИЗА БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИ. У ЎЗ ХАТИГА 70 РАҚАМИНИ ҚЎЙГАНИ ЭЪТИБОРИМИЗНИ ТОРТДИ. МАЪЛУМ БЎЛИШИЧА, БУ ФУҚАРО ЎЗИ ДУЧ КЕЛГАН МУАММОГА ЕЧИМ ИСТАБ 69 ТА ТАШКИЛОТГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЭКАН. ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИГА МУРОЖААТИ УНИНГ ЕТМИШИНЧИ НОМАСИ БЎЛИБ ЧИҚДИ. ҚАРАНГКИ, ОДДИЙ БИР ФУҚАРОНИНГ АРЗИ ҲОЛИНИ ҲЕЧ КИМ ТИНГЛАМАБДИ. БУ – КЕЧАГИ КУН.

ЎТГАН ҚИСҚА ДАВРДА, САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА КЎМАККА МУҲТОЖЛАР УЧУН 80 ДАН ОРТИҚ ШИНАМ УЙЛАР ҚУРИБ БЕРИЛДИ. «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАН 80 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ ХОТИН-ҚИЗНИНГ МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

Қашқадарё вилояти

Ижтимоий ҳимоя

ИНСОНИЙЛИКНИНГ ГЎЗАЛ СИФАТЛАРИ

Янги ўқув йили олдидан Қамаши туманидаги тармоқ муассасаларида меҳнат қилаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ходимларнинг 55 нафар фарзандига ўқув қуроллари олиб берилди.

25 нафар эҳтиёжманд ходимга моддий ёрдам ажратилди. 15 нафар нафақа ёшига етган педагогга эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғаси, соҳа ривожига меҳнати сингган 7 нафар фахрийга озиқ-овқат жамланмалари тақдим этилди.

Кўрсатилган рағбатдан ходимларнинг кўнгли тоғдек ўсди. Зеро, ҳурмат, иззат ва эътибор – инсонийликнинг энг гўзал ҳамда устувор сифатларидир.

Феруза АБДУРАҲМОНОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қамаши тумани кенгаши раиси

Тошкент вилояти

Мустақилликнинг 30 йиллигига 30 та янги иш ўрни

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойида мустақиллигимизнинг ўттиз йиллик тўйига ўттизта иш ўрни яратиш ташаббуси илгари сурилганидан хабарингиз бор, албатта.

ҚУВОНЧ КЕЛТИРАЁТГАН ТАШАББУС

Ушбу ташаббус доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Аёллар дафтари»нинг иккинчи босқичида 43 минг 500 нафар хотин-қиз рўйхатга олиниб, айни вақтда уларнинг муаммоси босқичма-босқич ижобий ҳал этилмоқда. Айниқса, ўрганишлар давомида ишсиз деб топилган опа-сингилларимизни доимий банд қилиш масаласига алоҳида ёндашилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоят кенгаши Янгийўл шаҳридаги «Баҳор Стайл» МЧЖ тикув цехига юз миллион сўм миқдорида фоизсиз ссуда ажратди ва бунинг натижасида 30 та иш ўрни яратилди.

Болалар кийими тикишга мўлжалланган фабрикада яратилган иш ўринларига ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар жойлаштирилди. Меҳнат аҳли учун цехда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, икки маҳал иссиқ овқат, транспорт, дам олиш хоналари шулар жумласидандир.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Байрам туҳфаси

«Хуррамобод» маҳалласи – Риштон туманининг олис ҳудудларидан. Бу ерда ўзбек, тожик, қирғиз миллати вакиллари аҳил-иноқликда яшаб келмоқда. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан хуррамободлик 30 нафар мактаб ўқувчисига 17 турдаги янги ўқув қуроллари жамланмасини топширди.

ЎҚУВЧИЛАР ШОДЛИГИ ЧЕКСИЗ

Тадбирда сўзга чиққанлар келажагимиз ворисларини ва уларнинг ота-оналарини яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан табриклаб, баркамол авлод тақдири йўлида амалга оширилаётган эзгу ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратдилар.

– Касаба уюшмаларининг бу совғаси мени чексиз қувонтирди, – дейди Назокат Жумаева. – Ўйлайманки, фарзандим кўрсатилган меҳрга жавобан мактабда аъло баҳоларга ўқийди.

Жавоҳир Остонақулов янги ўқув йилидан 4-синфга боради. Касаба уюшмалари томонидан туҳфа қилинган ўқув қуроллари унга ҳам қанот бахш этгандек бўлди.

– Совға менга жуда ёқди, – дейди у. – Ўқув қуролларимни эҳтиёт қилиб, фақат аъло баҳоларга ўқишга интиламан.

Шунингдек, тадбирда келажак авлодни комил инсон қилиб тарбиялашдаги самарали меҳнатлари учун таълим жонкуярларига касаба уюшмаларининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда янграган куй-қўшиқлар, мактаб ўқувчилари томонидан ёд олинган Ватанни мадҳ этувчи шеърлар барчага манзур бўлди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Мусобақа

НЕФТЧИЛАР БАҲСИ

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бошқаруви ҳамда Бирлашган касаба уюшма қўмитаси тизимдаги корхона ва ташкилотларда ходимларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш мақсадида ажойиб ташаббусга қўл урди. Имзоланган қўшма қарорга мувофиқ, нефть ва газ ходимлари ўртасида футбол бўйича «Ўзбекнефтгаз чемпионати» мусобақаси ўтказилди.

Дастлаб ҳудудлар кесимида ғолиблар аниқланиб, пешқадамлар Тошкентдаги «Бунёдкор» стадионида уюштирилган якуний босқичда иштирок этишди.

Айтиш мумкинки, баҳслар кескин курашлар остида ўтди. «Ўзбекнефтгаз» АЖ марказий аппарати ва «Шўртангазкимё мажмуаси» МЧЖ жамоалари финалда тўқнаш келиб, учрашув аппарат ходимларининг ғалабаси билан якун топди. Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, «Энг яхши тўпурар», «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ўйинчи» номинациялари эгалари ҳам аниқланди.

Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари ҳамда медаллар топширилди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Танлов

Эзгу ишлар эътирофи

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашида «Энг яхши сектор раҳбари», «Касаба уюшмалари лауреати», «Энг намунали аёл иш берувчи», «Энг яхши маҳалла раиси» номинациялари бўйича танловларнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган Сирдарё вилояти ҳокими Ғофиржон Мирзаев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Аёллар дафтари» ва у орқали аниқланган муаммолар тизимли ечим топаётгани ҳақида сўз юритди.

Мирзаобод туманидаги «YANGIHAYOT NAVBAHOR» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Муножатхон Салоҳиддинова кўплаб хотин-қизларни ишли қилган тадбиркор аёллар ўртасида ташкил этилган «Касаба уюшма лауреати» йўналишида ғолиб деб топилди.

«Энг яхши сектор раҳбари» йўналиши ғолиблиги Боёвут тумани ҳокими Дилфуза Ўроловага, «Энг яхши маҳалла раиси» Сирдарё туманидаги «Бахмал» МФЙ раиси Элдор Раҳимовга насиб этди.

Гулистон туманидаги «MISS MILEDI» МЧЖ раҳбари Наргизахон Маллабоева «Энг намунали аёл иш берувчи» йўналиши ғолибасига айланди.

Шунингдек, барча йўналишлар бўйича 1-, 2-, 3-ўрин соҳиблари диплом ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Анжуман

Фахрий журналистлар тақдирланди

Миллий матбуот марказида Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ОАВда устоз-шогирд анъаналарининг бардавомлигига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда ёшларга том маънода устозлик қилиб келаётган фахрий журналистлар тақдирланди.

Маълумки, Журналистлар уюшмаси ҳузурида Фахрий журналистлар Кенгаши фаолият юритиб, фидойи инсонларнинг билим ва салоҳияти ёш журналистларнинг касб сир-асрорларини ўрганишида катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Тадбирда сўзга чиққанлар таҳририятлар қошида ташкил этилган маҳорат мактаблари ва уларнинг ёш кадрларни тайёрлашдаги ўзига хос ҳиссаси ҳақида ҳам батафсил тўхталдилар.

Масалан, Фарғонада Муҳаммаджон Обидов, Самарқандда Фармон Тошев, Тошкентда Жаббор Раззоқов, Шароф Убайдуллаев, Ўткир Раҳматов, Шуҳрат Жабборов каби журналистларнинг маҳорат мактаблари ташкил этилган. Тадбирда мазкур анъана бундан кейин ҳам давом этиши, Журналистлар ижодий уюшмаси улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлиги таъкидланди.

Шундан сўнг юртимиз мустақиллигининг 30 йиллик тўйи муносабати билан машаққатли ва шарафли соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган бир гуруҳ журналистларга «Нуроний» жамғармаси республика Бошқаруви Васийлик Кенгашининг қарори билан «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони ва пул мукофотлари топширилди.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

Муаммолар қоғозда қолмайди

Муқаддам Раҳматиллаева Данғара туманининг энг чекка қишлоғи – Боғишда яшайди. Уч нафар фарзанднинг онаси бўлмиш бу аёл ғайрат-шижоатли бўлишига қарамай, иш йўқлигидан уйда ўтириб қолган эди.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишларидан сўнг у «Аёллар дафтари»га киритилди. Мулоқот давомида асаларичиликдан хабари борлигини, сармоя бўлса, шу иш билан шуғулланишини айтди. Ишчи гуруҳнинг кўмаги билан унга 30 миллион сўм кредит ажратилди.

– Уйимизда асалари боқиш учун шароит бор. Қолаверса, чор атрофимиз мевали боғлар, пахтазорлардан иборат. Асалари боқиш учун ажойиб жой, – дейди Муқаддам Раҳматиллаева. – Банкдан олинган маблағ эвазига 17 та асалари қутиси харид қилдик ва июль ойидаёқ 100 килограмм асал олдик. Бу қарийб етти миллион сўм даромад дегани. Очиғи, шу ишни бошлагач, рўзғоримизга барака кирди.

«Боғиш» маҳалласида яшовчи яна бир аёл Шаҳноза Алиеванинг уч нафар вояга етмаган фарзанди бор. Ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам ишсиз. Ишчи гуруҳнинг ёрдами билан ҳозирда ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада бандлик инспектори ёрдамчиси бўлиб ишламоқда.

– Эшик қоқиб, ҳол-аҳвол сўраб келган ишчи гуруҳ вакилларига қишлоғимизда аёллар гўзаллик салонини очиш ниятим борлигини, лекин бунга имконим йўқлигини айтган эдим, – дейди Гулсанам Мавлонова. – Улар менга бу борада етарлича тушунчалар бериб, ўқишга таклиф этишди. Насиб этса, бу ҳунарни янада пухта ўрганиб, банкдан кредит олиб, гўзаллик салонини очиш ниятидаман.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, Данғара туманида хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишнинг иккинчи босқичида 3007 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган бўлиб, шу кунгача улардан 2 минг 369 нафарининг муаммоси ҳал этилди.

– Ўрганишлар мобайнида дафтарга қайд этилган биронта муаммо эътибордан четда қолаётгани йўқ, – дейди Данғара тумани ҳокимининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Аҳмедова. – Айни пайтгача ишсиз аёллардан 151 нафарининг бандлиги таъминланди, 85 нафар хотин-қиз танлаган йўналишлари бўйича касб-ҳунарга ўқитилди, кредит олиб, тадбиркорлик қилиш истагини билдирган хотин-қизлардан 75 нафарининг ҳужжатлари банкка тақдим этилди. Боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган 610 нафар аёлнинг ҳар бирига моддий кўмак кўрсатилди. 672 нафар опа-синглимиз чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Салкам 400 нафар аёлга психологик ёрдам кўрсатилди. Ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож аёлларнинг 376 нафарига тажрибали ҳуқуқшунослар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Фаолият

Мамлакатимизда бўй кўрсатаётган янгиланишлар касаба уюшмаларининг барча бўғинлари қатори ўзим меҳнат қилаётган муассаса жамоаси фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, яқинда ташкил топган ва Бухоро вилояти бўйича саксондан ортиқ ташкилотни бирлаштирган Маданият, спорт ва туризм касаба уюшмалари тармоғи таркибига ўтиш асосида жамоамиздаги ишчанлик, ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланди.

Янги тармоқ – янги ишонч!

Янги ташкилот раҳбари Дилобар Темирова ўз салоҳияти, ходимлар билан илиқ муносабати билан кўпчиликнинг меҳрини қозонди. Ўтган қисқа вақт ичида бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари билан индивидуал ёндашув асосида самарали муносабатлар, ўзаро самимий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Қолаверса, тез-тез уюштирилаётган спорт мусобақалари, турли маданий тадбирлар, ҳуқуқий саводхонликка оид анжуманлар, кўнгилочар беллашувлар жамоамиз вакилларини янада жипслаштиряпти. Таътил даврида ходимларимиз ва уларнинг фарзандлари учун имтиёзли йўлланмалар ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Янги тармоқ – янги ишонч, демак. Бу йўналишдаги фаолиятим давомида «Йилнинг энг намунали бошланғич ташкилоти» кўрик-танловида иштирок этиб, Бухоро вилоят босқичида 1-ўринга лойиқ кўрилдим. Бу ютуғим жамоа ва ходимлар манфаати учун астойдил меҳнат қилишимда қўшимча куч-қувват бағишлайди, албатта.

Озода АЗИЗОВА,
Ғиждувон олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослашган спорт мактаб-интернатининг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Самарқанд вилояти

Тадбир

Ҳар қачонгидан эркин ва фаровон яшайлик!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида Самарқанд вилоятида яшовчи 400 нафардан ортиқ хотин-қиз «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида ўтказилган маданий тадбирга таклиф этилди.

Дастлаб вилоятнинг турли қишлоқларида яшовчи аёллар учун кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

– Махсус автоуловда жонажон шаҳримизни айландик, – дейди Нуробод туманида яшовчи Назокат Мирзаева. – Шу вилоятда яшасак-да, рўзғордан, бола-чақадан ортиб, бу ерларга келолмаганмиз. Тарихий обидалар, буюк аждодларимизнинг ўлмас маданий меросларини билан танишдик.

Тадбирнинг асосий қисми Самарқанд шаҳридаги «Садаф» базмгоҳида бўлиб ўтди. Бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга кўрсатилаётган кўмак хусусида маълумот берди. Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев билан ижодий мулоқот уюштирилди.

Учрашув куй-қўшиқ, шеърхонликка уланиб кетди.

Ферузбек РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши бўлим мудири

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилди

Кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Таълим жараёнига илғор педагогик технологиялар жорий этилиб, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш, соҳага оид муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 августдаги қарори билан Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилди. Унга кўра, академия барча таълим босқичларида фаолият кўрсатадиган нодавлат таълим ташкилоти ҳисобланади.

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасидаги кадрлар етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги, меҳнат муҳофазаси меъёрларига амал қилиш бўйича профилактик ишларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ишлаб чиқариш жараёнида кўплаб бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Меҳнат ҳуқуқи йўналиши бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги натижасида қонун бузилиш ҳолатлари сони ортиб бораётир. Жумладан, касаба уюшмалари томонидан ҳар йили ушбу масалага оид 28 мингга яқин мурожаатлар кўриб чиқилади. Шунингдек, соҳада тизимли илмий изланишлар ўтказилмаётгани ҳам ачинарли ҳолдир. Қарорда шу каби жиҳатлар алоҳида таъкидланиб, академияда халқаро ва миллий меҳнат стандартлари, меҳнат ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари, меҳнат тиббиёти, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси йўналишларида олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрланиши кўрсатиб ўтилган.

Академияда таълим фаолияти 2022-2023 ўқув йилидан бошланади ҳамда ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Қабул параметрлари, абитуриентларни қабул қилиш тартиби, тўлов-контракт қиймати ҳамда педагог кадрларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (Муассис) билан келишилган ҳолда академия томонидан тасдиқланади.

Ҳар йили 20 нафардан кам бўлмаган, академияга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оилаларнинг фарзандлари бепул (Муассис гранти асосида) ўқишга қабул қилинади.

Шунингдек, академия битирувчиларига олий ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган диплом берилади.

Ўз мухбиримиз

Таҳлил

Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик:

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Санжар САИДОВ,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти

Ҳар бир суверен давлат ўз истиқболига эришиш учун бир вақтнинг ўзида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда самарали фаолият юритиши талаб этилади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ривожлангани сари ташқи сиёсатдаги тенденциялар ҳам янги қирралар билан бойиб боради.

Ўзбекистон ҳам мустақилликнинг илк йиллариданоқ ўз ташқи сиёсатининг асосий йўналиш ва параметрларини белгилаб олишга ҳаракат қилди. Унинг ташкилий-институционал ва норматив-ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб борилди. Мамлакат ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, аввало, Ўзбекистон Республикаси ўз миллий манфаатларига асосланган ҳолда очиқ, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб бориш билан белгиланади. Республиканинг замонавий ташқи сиёсий курси дунёда ва минтақада шиддат билан ўзгараётган вазият ҳамда мамлакат ичидаги кенг кўламли ўзгаришларга асосан шаклланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 130 дан ортиқ давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Тошкентда 44 та чет эл элчихонаси, 1 та бош консуллик, 8 та фахрий консул, 17 та халқаро ташкилот ваколатхоналари, 13 та хорижий халқаро ҳукуматлараро ва ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, 1 та дипломатик мақомга эга савдо ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Хорижий мамлакатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг 55 та дипломатик ва консуллик ваколатхоналари мавжуд. Ўзбекистон 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, мамлакатимиз турли хил кўп томонлама ҳамкорлик тузилмалари билан ўзаро шерикчилик алоқаларини ривожлантириб келади.

2016 йилдан кейин мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечган янгиланишлар ташқи сиёсат соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа докторинаси, қўшимча ва ўзгартиришлар билан Миллий хавфсизлик концепцияси қабул қилинди ҳамда Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ҳам янгиланмоқда.

Ташқи сиёсатнинг янги формулалари кўпроқ прагматизм, прогнозлаштириш, миллий манфаатларни ихтилофсиз қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг янада очиқлиги ва шаффофлигига эришиш фойдасига ўзгарди.

Дунёнинг геоиқтисодий алоқалар тизимида Ўзбекистоннинг мавқеини ошириш, халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида ўрни ва ролини мустаҳкамлаш; мамлакатнинг ижобий имижини шакллантириш ва Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик камарини яратиш; миллий маданият ва фан ютуқларини, тарихий меросни ва Ўзбекистон халқларининг маданий ўзига хослигини оммалаштириш; глобал ахборот маконида оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникацияларнинг мавқеини мустаҳкамлаш ва халқаро жараёнларга нуқтаи назарни кенг дунё ҳамжамиятига етказиш каби вазифаларни илгари сурмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Агар охирги тенденцияларни таҳлил қиладиган бўлсак, ***Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати икки томонлама алоқалар устуворлиги принципидан аста-секин кўптомонлама ҳамкорлик форматига ўтиб бормоқда,*** дейиш мумкин.

Бир қарашда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсати мамлакатни ривожлантиришнинг устувор иқтисодий вазифалари билан белгиланади. Аммо мавзуни чуқурроқ ўргансак, миллий хавфсизликни таъминлаш ҳалиям долзарб вазифа экани аён бўлади. Бунга, асосан, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини амалга оширмасдан эришиш мумкин эмас. Ўз навбатида, иқтисодий лойиҳалар хавфсиз ишлашини таъминламасдан муваффақиятли ривожлана олмайди. Шу нуқтаи назардан, бизнингча, Ўзбекистоннинг ҳозирги ташқи сиёсати хавфсизлик ва иқтисодиётнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирини кучайтирувчи омиллари уйғунлигида ривожланмоқда, дея таъкидлаш мумкин.

Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналиш эканини Шавкат Мирзиёев Президентликка сайланганидан кейин илк давлат ташрифларидан ҳам англаш мумкин эди *(2017 йил март ойида Шавкат Мирзиёевнинг илк давлат ташрифлари Туркманистон ва Қозоғистон Республикаларига амалга оширилди – муаллиф).* Мамлакатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорликка қаратилган ташаббусларни 2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференция давомида ҳам илгари суриб, жумладан: *«Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги самарали кооперация алоқалари 10 йил мобайнида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камида икки баробар ошириш имконини беради»,* дея эътироф этган эди. Хусусан, у Марказий Осиё давлатлари учун транспорт коммуникацияларини ривожлантиришнинг ягона дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ҳамда минтақа мамлакатлари ишбилармон доиралари уюшмасини тузишни таклиф қилди. Бу, ўз навбатида, қўшни мамлакатлар минтақаларининг саноат-инвестиция ва интеллектуал салоҳиятидан бевосита фойдаланишга имкон беради ва бутун Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида: *«Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир... Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир»,* дея таъкидлаши Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси учун масъулиятни ўз елкасига олганидан далолат берарди. Ўрни келганда яна шуни айтиш керакки, айнан шу минбардан туриб**, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш** ташаббусининг илгари сурилиши ҳам муҳим тарихий воқелик бўлди.

2018 йилнинг 15 март куни Қозоғистон пойтахти Остона (ҳозирги Нурсултон) шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон (парламент спикери) ва Ўзбекистон Президентларининг узоқ кутилган «маслаҳатлашув учрашуви» бўлиб ўтди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев таъкидлаганидек, бундай учрашув минтақада сўнгги 10 йил ичида дастлабкиси бўлди. Аниқроғи эса беш томонлама учрашув (Туркманистон иштирокида) ундан ҳам узоқ вақт давомида ўтказилмаган эди. Мазкур ҳолат эса, аввало, Шавкат Мирзиёев илгари сурган янги минтақавий сиёсат натижаси ўлароқ амалга ошди, дейиш мумкин.

Маслаҳат учрашувининг «пишиб етилиши»да икки босқични алоҳида эътироф этиш лозим: Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясидаги тарихий нутқи ҳамда шу йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак» номли халқаро конференциядаги ташаббуслари. Ушбу ғоялар, шубҳасиз, бугун тобора анъанавийлик касб этиб бораётган минтақадаги янги муносабатлар форматига старт берди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг дастлабки саммитида минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қуролларнинг ноқонуний контрабандасига қарши биргаликда курашиш борасида келишувларга эришилди. Марказий Осиё – нафақат географик ва геосиёсий, балки ягона маданий-цивилизациявий макон эканини эътироф этиш мумкин. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти учун ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш, саноат, инвестициявий ва интеллектуал салоҳиятини биргаликда ишга солиш лозимлиги таъкидланди. Бундан ташқари, сув ресурсларидан рационал фойдаланиш, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш масалалари ҳам анжуманнинг диққат марказида бўлди. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, анжуманнинг энг асосий натижаси – кўп йиллик танаффусдан сўнг илк бора ўтказилаётгани эди.

Бу воқеа тезда халқаро ва минтақавий ОАВ ҳамда таҳлилий доиралар эътиборини тортди. Масалан, россиялик журналист **Аркадий Дубнов** мазкур учрашувни Россиядан масофалашиш дея баҳолаб, Остона учрашувининг энг нозик томони сифатида *«у Россиянинг ҳеч қандай вакиллигисиз, умуман Москва билан келишилмаган ҳолда ўтказилди. Бу Россиядан масофалашишдир»,* дея баҳо беради.

Бошқа бир таҳлилчи, Россия стратегик тадқиқотлар институти ходими **Аждар Куртов** Остонада бўлиб ўтган камтаргина учрашувдан саросимага тушиб қолишига оз қолди. У Марказий Осиё давлатлари 90-йиллар тажрибасини такрорлашлари ва минтақавий бирлашма тузишлари мумкинлиги ҳақида гапириб, мулоҳазалари поёнида мазкур уюшма келажагига шубҳа билдиради. Таҳлилчи давлат раҳбарларининг дўстона муносабати ва Ўзбекистоннинг янги сиёсати асосида минтақавий масалаларни яхшилашга бўлган умумий тенденцияни эътиборга олмагани ҳолда, минтақада тарихий «фобия»лар сақланиб қолганлигини ҳамда бу ҳозирда инобатга олинмаётганини таъкидлайди. Масалан унинг фикрича, – *келажакда Марказий Осиёда дунёдаги бошқа ташкилотларга рақобатлаша оладиган ички-минтақавий блок тузилишини тасаввур қилиш қийин; нотинч Афғонистон билан умумий чегара мазкур вазиятни янада чигаллаштиради; ушбу бирлашма агарда тузиладиган бўлса, албатта, АҚШнинг таъсир доирасига тушиши ва АҚШ Марказий Осиё давлат раҳбарлари ҳаракатларига босим ўтказиши мумкин; минтақада Россия ёки Хитой иштирокисиз қандайдир тузилмаларни шакллантиришга бўлган ҳар қандай интилиш шундай шароит яратадики, ундан охир-оқибат мусулмон дунёсининг консерватив кучлари, АҚШ ёки яна бошқа кучлар ўз манфаати ва мақсадлари йўлида фойдаланишига интилишади.*

Мазкур билдирилган фикр ва қарашларга нисбатан ўзига хос муқобил аргументларни илгари суришимиз мумкин:

– нега ички-минтақавий блок ўз ҳаётийлигини таъминлаши учун ҳар доим дунёдаги қайсидир бошқа ташкилот билан рақобатлашиши лозим? Дунёда қандай муқобиллари бўлишига қарамай, минтақа ўзининг ички ривожланиш мантиқига эга;

– *«нотинч Афғонистон билан умумий чегаранинг мавжудлиги»,* балки аксинча, минтақа давлатларини нотинч ҳудуддан келадиган умумий таҳдидлар сабаб бирлашиш учун ўзларида маъ-навий журъат топишга ундаши мумкин эмасми?

– Бирлашган минтақа, албатта, АҚШ таъсирига тушади деган хулосага келишга нима асос бўлмоқда? Агар А.Куртов мантиғи бўйича фикрлайдиган бўлсак, минтақа давлатлари ҳозирча АҚШ таъсирига тушмаган, нега энди бирлашса, унинг таъсирига тушиб қолади?

Марказий Осиё минтақаси ички ишларига доимо Россия ёки Хитой таъсирини тиқиштириш, яна АҚШдан келадиган «афсонавий» таҳдидга қарши улар билан бирлашиш ғоялари – бу минтақа давлатларига бўлган ҳурматсизлик сифатида қараш, дейишимиз мумкин. Масаланинг бундай асосда қўйилиши жуда содда ва жўн ҳисобланиб, у ё мазкур давлатларни АҚШ ёрдамида гўё Россия (Хитой)га қарши бирлашмоқчидек тасвирлайди ёки уларни заиф ва ўз иродаси йўқлигига ва шунинг учун улар ҳар доим ташқаридан (Россия ёки АҚШ томонидан) бошқарилиб туриш керак, деган асоссиз ғояларни келтириб чиқаради.

Умуман олганда, А.Куртов, А.Дубнов ва бошқа таҳлилчиларнинг мазкур фикрлари, мана, чорак аср давомида янграб келган ва ҳеч қандай асосга эга бўлмаган эски, сийқаси чиққан пластинканинг овозига ўхшайди. Россиянинг айрим ОАВ ва таҳлилчилари минтақамизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳаддан ташқари сиёсий тус бериши, охир-оқибат Россиянинг эски империячилик мақсадлари ҳанузгача сақланиб келиши тўғрисидаги фикрлар реанимациясига сабаб бўлади ва унинг имижига зарар етказади. Ажабланарлиси шундаки, Россия томонидан номақбул репликаларнинг келишини олдиндан билгандек, Марказий Осиё давлат раҳбарлари ўз учрашувини фақатгина «маслаҳатлашув» дея номлашди.

2019 йил 29 ноябрь куни Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви, тўлиқ таркибда (Туркманистон Президенти иштирокида) бўлиб ўтди. Саммитда давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича ягона нуқтаи назарга келиш зарурлигини таъкидлаб, унинг асосий йўналишлари ҳақида ўз фикрларини билдирди, қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Бу ташаббусларни шартли равишда бир нечта йўналишга бўлиш мумкин:

Биринчидан, улкан бозорга эга, табиий хомашё ва инсон ресурслари салмоқли бўлган минтақамизнинг рақобатдош устунликларини имкон қадар тўлиқ ишга солиш **мақсадида минтақада савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш;**

Иккинчидан, минтақанинг **транспорт-логистика жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш** ва транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш;

Учинчидан, Марказий Осиёнинг узоқ муддатли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда **энергетика соҳасидаги ҳамкорлик**ни кучайтириш зарурлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини кенгайтириш, замонавий энергетика инфратузилмасини яратиш борасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш;

Тўртинчидан, минтақанинг улкан **туризм салоҳиятини амалга ошириш** мақсадида «Марказий Осиё бўйлаб саёҳат» халқаро туристик брендини яратиш;

Бешинчидан, Афғонистонда тинчлик, миллий муроса ва иқтисодий тикланишга эришишга кўмаклашиш йўлида минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш.

Мана, қисқа танаффусдан сўнг **2021 йил 6 август** куни Туркманистонда **Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи маслаҳат учрашуви** бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бир қанча амалий таклифларни илгари сурди. Жумладан, унда бугунги реал воқеликдан келиб чиқиб, Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш, узоқ муддатли истиқболда янги ўсиш нуқталари ва тараққиётимизнинг янги драйверларини белгилаб олиш муҳимлиги; муштарак стратегик манфаатларимиз йўлида минтақанинг транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишимиз зарурати; минтақанинг энергетик хавфсизлиги масаласидан келиб чиқиб, «яшил» энергетика ва энергия соҳасидаги самарадор технологияларни жорий этиш; аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари; минтақадаги экологик муаммолар, жумладан, Орол денгизининг ҳалокати оқибатларини юмшатиш учун барча зарур чораларни кўриш, ҳамкорлик кўламини кенгайтириш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Агар Марказий Осиёга ва умуман минтақадаги интеграциявий жараёнларга нисбатан айрим йирик халқаро актларнинг позицияси ва қарашларини таҳлил қилсак, АҚШ ва Россиянинг Марказий Осиёдаги қарашлари турлича дейиш мумкин. АҚШ (шунингдек ЕИ)нинг расмий ва таҳлилий доираларида Марказий Осиё минтақасининг бирлашуви ва мустақил тарзда ривожланишини қўллаб-қувватлашади. «С5+1» каби Америка формати ёки ЕИнинг Марказий Осиё Стратегияси бунинг яққол намунасидир. Россия томонидан эса кўп ҳолларда юқорида таъкидланган фикрларда минтақанинг бирлашуви ва яқинлашувига қаршилик ҳолатларини кузатиш мумкин.

Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий бирдамликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларига «-параст» ёки «анти-» қўшимчаларини қўйиш – 30 йил давомида ўзини ҳеч қандай ҳолатда оқламаган таҳлилий, илмий услуб ҳисобланади, у фақатгина илмий ва жамоатчилик манфаатларини минтақавий эволюциядан чалғитиш ва афсонавий таҳдидларни хаспўслаш мақсадида олиб борилади.

Халқаро вазиятнинг мураккаблашуви ва глобал таҳдидларнинг тобора ошиб бориши ҳам минтақа мамлакатларини яқин ҳамкорликка ундамоқда. Расмий Тошкент томонидан эълон қилинган янги минтақавий сиёсат нафақат Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантиришни, балки Афғонистонни ҳам қамраб олиши билан муҳим аҳамият касб этади. Ш.Мирзиёев Қозоғистоннинг «Казинформ» агентлигига берган интервьюсида таъкидлаганидек: *«...қўшнилар билан алоқаларни фаоллаштириш Афғонистонни ҳам назарда тутади, унинг тинч йўлга ўтиши асосан иқтисодий ривожланишга боғлиқ бўлиб, унда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари иштирок этиши мумкин ва зарурдир». Унинг фикрига кўра, «бу жараёнларда эса минтақа давлатларининг Жанубий Осиё, Форс кўрфази ва Яқин Шарқ мамлакатлари портларига кириши учун ижобий аҳамиятга эга бўлган трансафғон транспорт коридорини ривожлантиришни ўз ичига олган қўшма инфратузилма лойиҳалари катта роль ўйнаши мумкин».*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи сиёсатни изоҳлар экан, халқаро экспертлар ундаги асосий уч векторга, урғу беради. ***Биринчи вектор*** – минтақавий вектор бўлиб, Ўзбекистон ўз қўшниларига кўпроқ эътибор бера бошлади, бу жуда тўғри ва «фундаментал муҳим» масаладир. ***Иккинчи вектор*** – ҳамкорликнинг кўп томонлама шакли. Уларнинг фикрига кўра, дунёда икки томонлама даражада ҳал қилинмайдиган кўплаб муаммолар мавжуд. Бу атроф-муҳит, терроризм, халқаро савдо режими ва бошқалар билан боғлиқ муаммолар. Бунда эса яқин халқаро ҳамкорлик талаб этилади. Янгиланаётган ташқи сиёсатнинг ***учинчи вектори*** – Ўзбекистон манфаатларига жавоб берадиган вазифаларнинг аниқ баён этилиши, халқаро даражада «янада ишончли» ҳаракат қилиш қобилиятидир.

Мазкур ғояни ривожлантирганимиз ҳолда, унга қўшимча сифатида яна битта ***вектор (тўртинчи вектор)*** – «масъулиятли етакчилик» векторини ҳам қўшишимиз мумкин. Ўзбекистон сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятида нафақат миллий манфаатларни, балки Марказий Осиёнинг умумий минтақавий манфаатларини ифодаловчиси сифатида намоён бўлмоқда. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг минтақадаги энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи билан боғлиқ экологик фожиа, Афғонистонда тинчлик ва осойишталикни ўрнатиш каби кўплаб халқаро ташаббусларида ўз аксини топмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилашда, аввало, оддий фуқароларнинг, халқларимизнинг ўзаро муштарак алоқалари ҳам катта роль ўйнайди. Бунда, энг муҳими, маданиятимиз, қадрият ва анъаналаримиз бир-бирини тўлдиради. Урф-одатларимиз ва удумларимиз бир, динимиз бир, тил тўсиғи йўқ. Аслида, сиёсий ҳамкорлик ва интеграция жараёнлари жамиятдан, унинг эҳтиёжларидан куч олади. Шундай экан, сўнгги пайтларда минтақа жамиятлари ва халқлари ўртасида ҳам алоқалар жадаллашиб бормоқда.

Масалан, 2018 йил Қозоғистонда «Ўзбекистон йили» деб эълон қилинди. Унинг доирасида 80 дан ортиқ маданий, спорт тадбирлари, кино кунлари, турли фестивалар ўтказилди. 2019 йил эса Ўзбекистонда «Қозоғистон йили» бўлди. Худди шундай кўплаб маданий тадбирлар ташкиллаштирилди. Шундай гуманитар ҳамкорлик Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон билан ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда.

Агар хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда Марказий Осиёга қаратилган АҚШ, ЕИ, Россия ва Хитой каби глобал актларидан ташқари Япония, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа минтақавий «ўйинчи»ларнинг ҳам стратегия ва геосиёсий форматлари ишлаб чиқилган. Уларнинг Марказий Осиёга ёндашувларида айрим умумий жиҳатлари бўлса-да, мазкур стратегиялар бир-биридан жиддий фарқ қилади. Сўнгги тенденциялар шундан далолат берадики, Марказий Осиёда геосиёсий «катта ўйин» янги куч ва шаклда қайта тикланмоқда.

Мазкур шароитда эса Марказий Осиё интеграциясини қайта тиклаш ва кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган факторлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1) глобал ва минтақавий доирада ўсиб келаётган геосиёсий рақобатга нисбатан Марказий Осиё давлатларининг умумий позицияси ва ҳаракат тактикаларини шакллантириш;

2) Марказий Осиё давлат раҳбарларининг «Масалаҳат учрашувлари» форматини институционаллаштириш ва яқин келажакда Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилоти (МОҲТ)ни қайта тиклаш;

3) Марказий Осиё мамлакатларининг бошқа ташкилотлардаги аъзолиги (масалан, ЕАЭС ва б.) Марказий Осиёнинг умумий манфаати ва минтақавий бирлашувига тўсиқ бўлмаслигини таъминлаш;

4) минтақавий ҳамкорлик ва интеграция жараёнларига «халқ дипломатияси» методларини кенгроқ татбиқ этган ҳолда демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш.

Шу ўринда, сиёсатшунослик соҳасидан яна бир эслатмани келтириш фойдадан ҳоли эмас. Давлатлараро ҳамкорлик ва интеграциянинг мавжудлиги бу – бир масала, улар амалда қандай фаолият юргизишини тушуниш – бошқа масала. Дунёдаги ҳар хил форматга асосланган интеграциявий бирликлар турли шаклда иш юритади. Уларнинг ғоявий асослари ҳам турличадир. Лекин том маънодаги замонавий интеграция, энг аввало, демократия, фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари устуворлигига асосланиши даркор. Бугун жамиятлар ва давлат институтлари глобаллашув даврида ҳамда жадал информацион жараёнлар муҳитида жуда мураккаблашиб бормоқда. Демак интеграцион лойиҳалар ҳам бундай шароитда жиддий синовдан ўтиши муқаррар. Бунинг олий ўлчови эса, ўз навбатида, халқ ва унинг манфаатларига хизмат қилиш билан баҳоланади.

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Архив

Архив

МУҲАББАТНИ ҚАТАҒОН ҚИЛИБ БЎЛМАС...

ёхуд илоҳий нур ила йўғрилган анъана

Наим КАРИМОВ,
академик

Акбар Исломов номини илк бор ўтган асрнинг 90-йиллари арафасида, Чўлпоннинг КГБ архивида сақланаётган иши билан танишаётганимда учратган эдим. Бу ишдан маълум бўлишича, атоқли шоир 1934 йил охирида Москвадан Акбар Исломов билан бир поездда қайтган, Тошкентга етиб келишгач, Акбар Исломов хайрлашиш олдидан унга моддий ёрдам тариқасида маълум миқдорда пул берган. Мен аввалбошда Чўлпонга меҳрибонлик кўрсатган киши кимлигини билмаганман. Аммо кейинроқ у киши ўша кезларда Ўзбекистон молия халқ комиссари бўлганини аниқладим. 1896 йили Қўқонда камбағал оилада туғилган Акбарнинг ҳарф терувчиликдан халқ комиссари даражасига қадар бўлган хизмат пиллапоясини қисқа муддатда босиб ўтгани унинг қандай инсон бўлганини ёрқин ифодалайди.

Ушбу мақола гарчи молия комиссарининг хотини хусусида бўлса-да, унинг ўзи ҳақида ҳам бир оғиз сўз айтиб ўтиш жоиз. Акбар Исломовнинг ҳозир ҳам ДХХ архивида сақланаётган тергов ишида унинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига оид бирор жўяли гап йўқ. Аммо ўша пайтлар Тошкент шаҳрининг 2-Оққўрғон кўчасидаги 5-уйда яшагани ва 1937 йил 3 августда қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташлангани, шунингдек, мол-мулки мусодара этилгани, 1956 йил 29 июнда эса оқланганини билиш қийин эмас. Ўша кезлар бу хонадонда 32 ёшли хотини, 10 ёшли ўғли Темур (Асқар), марҳум акасининг 6 ёшли қизи Муқаддас ва 81 ёшни қоралаган онаси Ойша, 28 яшар синглиси Комила Тўрақулова, 55 ёшли акаси Умар Исломов ҳам истиқомат қилган.

Акбар Исломов қамалганидан кейин кўп ўтмай, хотини Кетеван Давидовна Исломова-Клдиашвилининг ҳам озодликдаги ҳаётига нуқта қўйилди: у 1937 йил 2 октябрь куни ҳибсга олинди. Агар шу кунларда Кетеван Давидовна Маҳаллий саноат халқ комиссарлигида иқтисодчи-режачи бўлиб ишлагани туфайли Халқ Комиссарлари Советига қарашли Дзержинский кўчасидаги уйда яшаганига эътибор қаратсак, эри Акбар Исломов қамалгач, уларнинг оиласидан 2-Оққўрғон кўчасидаги 5-уй ҳам тортиб олингани аён бўлади. Ўша кезларда бошқа «халқ душманлари»нинг хотинлари ҳам ҳибсга олинаётгани туфайли Кетеван Давидовна эҳтиёт юзасидан Муқаддасни Чимёндаги болалар лагерига юборган, ўғли Темур эса 2-Оққўрғон кўчасидаги 26-уйда акаси билан яшаётган эди.

СССР НКВДсининг 1937 йил 13 августдаги буйруғига кўра, Кетеван Давидовна «халқ душмани»нинг хотини сифатида қатағон қилиниши, фарзандлари Темур ва Муқаддас эса давлат тарбия муассасалари ихтиёрига топширилиши лозим эди. Бу буйруқни ўзлари учун дастурламал деб билган ходимлар Акбар Исломовнинг 3 августдаги тинтувдан омон қолган 4 минг 60 сўмлик заёми, «Павел Бурс» русумли тилла чўнтак соати, Марказий Ижроия Қўмитасига аъзо бўлгани ҳақидаги 2 нишони, 17 бетлик ёзишмаси, ён дафтари ва расмлари, шунингдек, Кетеван Давидовнанинг минг сўм пули, «Невада» русумли тилла билакузукли соати – жами 70 та мол-мулкни хатлаб, давлат фойдасига мусодара қилишади.

Қизлик фамилияси Клдиашвили бўлган Кетеван Давидовна 1905 йил 20 январда Батумида туғилган. Отаси Давид Самсонович грузин халқининг ифтихори бўлган сиймолар жумласидан. У 1862 йили Ғарбий Грузиядаги Симонети қишлоғида камбағаллашган дворян оиласида туғилади. Етти ёшида Кутаисига ўқишга боради. Чор ҳукумати ўша йилларда грузин дворянлари фарзандларини ҳар йили Россиядаги ҳарбий ўқув юртларига йўллаб турарди. 1872 йили Давид Клдиашвили ҳам Киевдаги ҳарбий гимназияга юборилади. Саккиз йил ўтгач, ўқишни Москва ҳарбий билим юртида давом эттиради. Сўнгра ҳарбий хизматни ўташ учун Батуми шаҳрига келади.

«Сен дўстинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман», деган нақл бор. Бу нақл яқин-яқинларгача грузин халқида бошқача шаклда яшаб келган: «Сен отанг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтаман». Модомики, шундай экан, келинг, энди Кетеваннинг отаси билан яхшироқ танишайлик.

Давид Самсонович Батумига кўчиб келганида Ожаристон пойтахти эндигина Туркия тасарруфидан тортиб олиниб, Грузияга қайтарилганди. Боку-Батуми темир йўли ва керосин трассаси ўтиши муносабати билан йирик саноатчилар, савдогарлар оқими маҳаллий аҳолини бу ердан сиқиб чиқара бошлаганди. Шунда Давид Клдиашвили машҳур грузин ёзувчиси Георгий Церетели билан бирга маҳаллий аҳолининг ижтимоий ва миллий манфаатларини ҳимоя қилишга киришди. Чор армиясининг подполковниги ҳисоблангани ҳолда, ўз халқининг миллий озодлик учун олиб борган курашига мададкор бўлди. Оқибатда, 1905 йили ҳарбий хизматдан четлаштирилди. Кутаисига кўчиб бориб, жўшқин адабий ва ижтимоий фаолиятга берилди.

Кетеван ана ўша олижаноб грузин зобити ва грузин адабиётининг классиги оиласида туғилиб, оиланинг илғор анъаналари руҳида тарбия топди. Вояга етгач, нафақат гўзаллиги, балки юксак маданияти билан ҳам ўзбек йигити Акбар Исломовни ўзига ром этди. Улар 1927 йили Москвада танишиб, турмуш қуришди. 1928 йил бошида оиланинг якка-ю ягона фарзанди туғилди. Бу пайтда Акбар Исломов Ўзбекистон ҳукуматининг Москвадаги доимий вакили эди. У ўғлига ўз исмига қофиядош қилиб, Асқар исмини қўйди. Аммо оилада болакайни негадир Темур деб чақиришга одатланишган. Орадан йиллар ўтиб, Акбар Исломовдан ном-нишон қолмаган пайтларда уни Темур деб аташ марҳум ота хотирасига нисбатан ҳурматсизликдек бўлиб туюлди. Ва унинг ёлғиз ёдгори Асқар Акбарович Исломов исм-шарифи билан ҳаётда ўз ўрнини топди. Аммо бунга ҳали анча вақт бор эди...

1937 йил 2 октябрда «халқ душмани»нинг хотини сифатида қамоққа олинган Кетеван 24 кун сўроққа чақирилмади. Чунки, терговчининг фикрича, бу муддат ичида унинг иродаси синиши, фожиали қисмати олдида таслим бўлиши ва барча саволларга кутилган жавобларни бериши керак эди. Қолаверса, калаванинг Акбар Исломов қўлидаги учи ҳамон ечилмаётган, уни қатл қилиш учун зарур далиллар етишмаётган эди. Шу боис 25 октябрь куни бўлган биринчи ва сўнгги сўроқ пайтида терговчи Кетевандан эрининг аксилинқилобий фаолиятини фош этувчи маълумотларни олиш учун кўп уринди. Лекин ундан фақат мана бу жавобларни эшитди, холос:

«...1934 йилга қадар Исломов Акбарнинг уйида қуйидагилар бўлган: Болтабоев, Каримов, Енгил саноат халқ комиссарлиги ходими Ёқубов Ғулом, 1934 йилдан Исломов Акбар қамалгунга қадар Тошкент шаҳар советининг собиқ раиси бўлган Тожиев, Фрунзе тумани партия қўмитасининг собиқ котиби Тошмуҳамедов, ЎзК(б)П МК қишлоқ хўжалиги бўлимининг собиқ мудири Шермуҳамедов. Тошмуҳамедовдан бошқалари аҳён-аҳёндагина бизникига келишган».

Терговчининг илмоқли саволига жавобан Кетеван шундай деган:

«Меҳмонлар уйимизга тўп-тўп бўлиб келишмаган... Менинг ҳузуримда ҳеч қандай гап-сўз бўлмаган. Икромов ва Файзулла Хўжаев хотинлари билан бизникига келишганда, сиёсий мазмунда суҳбат қуришмаган».

Шубҳасиз, терговчи уч ярим ҳафта мобайнида тек ўтирмай, Акбар ва Кетеван Исломовларнинг уйларига келиб-кетиб юрган кишилар ҳақидаги маълумотларни синчиклаб ўрганган. Улар ҳақидаги саволга жавоб берар экан, маҳбуса бундай деган: ***«...Самарқанд шаҳар совети раисининг ўринбосари Сорец Тошкентга келганида, бизникида бир марта ётиб қолган. Яна қўшимча қилишни истардим: 1936 йили, молия ходимлари аълочиларининг слёти бўлган кунларда уйимизда аълочилар шарафига зиёфат берилди (Сорец бир неча марта бизникида тунади). Шунда (биз билан бирга) тахминан 12 киши бўлган: Тошкент шаҳар молия бўлими мудири Мане, унинг ўринбосари Обиджонов, Қўқон шаҳар молия бўлими мудири Коваленко, Молия Халқ Комиссарлиги ходими Черкасов ва бошқалар (уларнинг исм-шарифларини билмайман)».***

Сорецнинг Исломовлар уйида тунаб қолишининг сабаби аён: Акбар Исломов бирмунча вақт ўша ерда Сорец билан бирга ишлаган. 12 кишилик зиёфат пайти турли миллатга мансуб кишилар ўртасида аксилинқилобий мазмундаги гап-сўзлар бўлмаслиги эса табиий. Аммо, наҳотки, уч-тўртта маҳаллий миллатчи тўпланганда бундай суҳбатлар бўлмаган бўлса?!. Ўйлаб кўринг, Кетеван Давидовна, ахир сиз совет ҳокимиятининг ишонган кишисисиз!..

Тахминан шундай аврашлардан кейин Кетеван сўнгги саволга жавоб беради: ***«...1930 йил август ойида таътилга чиқиб, Самарқандга бордим. Эрим ўша ерга хизматга юборилган эди. Ўша кунлари у яшаган уйга Ёқубов Ғулом билан Али Мусаев келишди. Улар дастурхон атрофида ўзбек тилида бир оз қизишиб, гаплашиб ўтиришди. Ўзбек тилини билмаганим учун улар нима ҳақида гаплашганларини айта олмайман».***

Атиги бир марта ўтказилган сўроқ чоғида Кетеван эри ҳақида берган кўрсатмалар асосан шулардан иборат бўлган. Ундан Акбар Исломовнинг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида бирор асосли далил-маълумот олиш амримаҳол эди. Негаки, у эрининг олижаноб инсон, ҳалол ва покиза халқ комиссари эканига астойдил ишонган. Шунга қарамай, терговчилар 1937 йил 30 октябрда «халқ душмани»ни яшириб келгани ва унинг аксилинқилобий фаолиятига ёрдам бергани учун Кетеван Исломовани жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилиб, ишни кўриб чиқиш учун СССР НКВДсининг Алоҳида мажлисига юборадилар. Хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмагани учун Кетеван 1939 йил 9 февралда озод этилади. Унга қадар бир йил-у тўрт ой қамоқда бўлади. Агар 1937-38 йиллар даҳшатини назарда тутсак, қамоқхонада кечган бу муддат жабрдийда аёл учун қанчалар оғир кечганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Афсуски, Кетеван Давидовна озодликка чиққач, уни Ўзбекистон билан боғлаган ришталар батамом узилиб, ўрнига фақат даҳшатли хотиралар қолди. Уйи, мол-мулки, севимли эридан жудо бўлган Кетеваннинг ота юртига қайтиб кетишдан ўзга иложи йўқ эди.

Давид Клдиашвили сермазмун ва унутилмас ҳаёт кечириб, 1931 йили Кутаисида вафот этади. Миннатдор Грузия кўп ўтмай унинг жасадини Тбилисига кўчириб келиб, улуғ фарзандлари ётган пантеонга қўяди. Кетеван Давидовна ҳам Тбилисида, ўша пантеон яқинида яшай бошлайди. Узоқ йиллар турли идораларга хат ёзиб, эрининг тақдири билан қизиқади. Бу идоралар масъуллари эса Акбар Исломов 1938 йил 4 октябрда отиб ўлдирилганига қарамай, у гўёки 10 йилга кесилгани ва тегишли жойларда жазо муддатини ўтаётгани ҳақида ёлғон жавоблар йўллашдан чарчамайдилар.

Кетеван Давидовнанинг қуйидаги фарёд тўла хати эса унинг ўзи ҳам, эри ҳам ажойиб инсонлар бўлганидан далолат беради:

«ССР Иттифоқи Бош прокурори ўртоқ РуденкогаТбилиси ш., Бакрадзе кўчаси, 16-уйда яшовчи Кетеван Давидовна Клдиашвили-Исломовадан

АРИЗА

1937 йил 2 августда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР ГПУ органлари томонидан миллати ўзбек, 1896 йили Ўзбекистон ССРнинг Қўқон шаҳрида туғилган, ҳибсга олингунига қадар Ўзбекистон ССР молия халқ комиссари лавозимида ишлаган, айни пайтда Ўзбекистон К(б)П МК бюроси аъзоси, СССР МИК аъзоси – эрим Исломов Акбар Исломович қамоққа олинган эди.

НКВД органларидан келган расмий маълумотномага кўра, у Махсус кенгаш қарори билан 10 йил муддатга хат ёзиш ва хат олмаслик шарти билан қамалган.

Эримнинг айбланишига оид расмий хабарга эга бўлмаганим учун 1937 йилнинг август ойида эълон қилинган газета мақоласи ва Ўзбекистондаги айрим раҳбар ходимларнинг чиқишларидан менда ҳосил бўлган таассурот шундан иборатки, унинг айби маорифга ажратилган маблағни республика ирригация тармоқларини кенгайтириш учун сарфлагани, шунингдек, уйимизда немис аёлини бола тарбиячиси сифатида сақлагани бўлган.

Бундай айбноманинг моддий асосларини билмаганим учун уйимизда яшаган Фибих Мария Карловна, боламнинг тарбиячиси, ўзига ҳеч бир доғ туширмай, ҳозир ҳам Совет Иттифоқида фуқароликнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда яшаб келаётганини сизга маълум қиламан.

Маблағни маорифдан олиб, мамлакат ирригациясига ўтказишга келганда, бу ерда жиноят унсури бўлиши мумкин эмас. Зеро, бюджетнинг ҳар қандай ўзгариши ҳукумат қарорисиз амалга ошмайди, бундай тадбирларнинг сувсиз Ўрта Осиё шароитида мақсадга мувофиқлиги тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Эримга қўйилган барча айблар уйдирма ва асоссиз эканини шундан ҳам билса бўладики, Москвада Бухарин устидан суд бўлган пайтда бу иш бўйича жиноий жавобгарликка тортилган Ўзбекистон партияси ва ҳукумати раҳбарлари ўз кўргазмаларида жиноий ишлари ва алоқалари тўғрисида батафсил маълумот берганлари ҳолда, йигирма йилдан зиёд вақт давомида Ўзбекистондаги раҳбарлик лавозимларида ишлаган эримни бир оғиз тилга олмаганлар ва унга туҳмат қилмаганлар.

Акбар Исломовнинг мутлақо айбсизлиги ҳақидаги фикрим шахсан мен учун у билан бирга кечган ўн йиллик (1927 йилдан 1937 йилгача) ҳаётим билан тасдиқланган. Шу йиллар давомида ундан бир кун ҳам узоқлашмай, унинг шахсиятини ақл-ҳушимдан айрилмаган ва теран инсоний таҳлил этганим ҳолда, ҳеч қандай иккиланишсиз, ўз даврининг энг маданий ўзбекларидан бўлган, партия ва ҳукуматга содиқ бу зукко инсонга ишонганман. Менинг бутун оилам, жумладан, отам – грузин адабиётининг классиги, инсон руҳиятининг кўзга кўринган билимдонлардан бири, Грузия халқ ёзувчиси Давид Клдиашвили ҳам у ҳақда шундай фикрда бўлган.

1937 йил ноябрь ойида ҳибсга олинганимдан кейин Тошкент турмасида тасодифан учрашиб қолган пайтимизда, у менга заррача ҳам айбдор эмаслиги, туҳматдан иборат айблар билан қабиҳларча ҳақоратлашгани ва таҳқирлашганини айтган эди.

Акбар Исломов на ўзининг зуваласи, на маънавий фазилатлари, на таржимаи ҳоли-ю, келиб чиқиши билан ватанига хоинлик қиладиган кишилардан эмас. Ўзбекистоннинг Қўқон деган чекка шаҳарчасида, дурадгор оиласида туғилган бу инсон ўз меҳнат фаолиятини ҳарф терувчи ишчининг дастгоҳидан бошлаб, советлаштиришнинг дастлабки кунларидаёқ Бухоро амирини Ўрта Осиёдан қувишда, фуқаролар урушидан кейинги энг оғир даврда эса ғоя ва Ватан йўлида жонидан ҳам кечиб, хорижий разведкалар раҳбарлик қилган оқ гвардиячи ва босмачи бандаларга қарши курашда фаол раҳбарлардан бири бўлган. 1925-27 йилларда у Тошкент округи ижроия қўмитасига раис этиб тайинланган. 1927 йили эса Ўзбекистон ҳукуматининг Москвадаги, СССР ҳукуматидаги доимий вакили, айни чоғда, Иттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси Раёсати аъзолигига номзод эди.

1929 йилдан у Ўзбекистон Госплани раиси ва ниҳоят 1930 йилдан ҳибсга олингунига қадар ЎзССР молия халқ комиссари бўлиб ишлади.

Дастгоҳ ишчисидан ҳукумат аъзосига қадар бўлган бу узоқ машаққатли ва ор-номусли йўл катта муҳаббат билан, ўз халқи манфаатлари ва орзу-умидларига эътиқод билан босиб ўтилди. Бу унинг нафақат Ўзбекистон, балки Россия ва Грузиядаги пешқадам зиёлилар, айниқса, шоир ва ёзувчилар билан дўстлиги ва самимий муносабатлари воситасида ҳам тасдиқланади.

Эрим қамалганидан кейин икки ой ўтгач, мен ҳам ҳибсга олиндим ва бор-йўғи битта сўроқ (унда менинг демографик маълумотларимгина қайд этилган) натижасида Исломов Акбар оиласининг аъзоси сифатида қамалдим. Ойламиз батамом ҳонавайрон қилинди. Бизга қолдирилган якка-ю ягона хона ҳам тортиб олинди, ўн йиллик меҳнатимиз орқасида тўплаган барча нарсамиз ташиб кетилди, кейинчалик олис Грузиядаги қариндош-уруғларим бағридан паноҳ топган полапоним болалар уйига юборилди.

Афтидан, эримга қўйилган айблар унчалик оғир бўлмаган. Зеро, мен унинг оила аъзоси сифатида қамоққа олинганимга қарамай, бир йилу тўрт ой деганда ишим тўхтатилиб, озодликка чиқарилдим. Шундан кейин эримнинг тақдири билан доимо қизиқиб, «У тирик, хат ёзиш ва хат олиш ҳуқуқидан маҳрум, жазо муддати тугагач, қайтади», деган мазмундаги жавобларни олдим ва ҳамма нарсага чидаб, ҳар сафар навбатдаги шундай жавобни сабр-бардош билан кутиб яшадим.

Бу сафар эса ёнимда физкультура институтини бу йил тугатган ва мактабга ўқитувчи қилиб юборилган, қиличбозлик бўйича спортчи, бундан 18 йил илгари кўчага чиқариб ташланган 26 ёшли ўғлим Асқар Акбарович Исломов борлиги учун Сизга мурожаат этиб, эрим Исломов Акбар Исломовичнинг ишини сўраб олиб, уни қайта кўришингизни, агар унда жиноят таркиби бўлмаса, жиноий ишни тўхтатиш ва тўла оқлаш учун ССР Иттифоқи Олий Судининг жиноий ишлар бўйича Коллегиясига протест киритишингизни сўрайман. Бу нарса мендан эрим учун, менинг ҳеч бир айби бўлмаган ўғлимдан эса отаси учун шармандалик тамғасини олиб ташлаш ва эҳтиромлик, уни кўриш имконини берарди. Эслатаманки, 10 йиллик жазо муддати 1947 йилдаёқ тугаган.

К.Д.Исломова-Клдиашвили
1954 йил 31 июль».

Ғиж-ғиж алам, изтироб ва умид жилвалари балқиб турган бу хатни лоқайдлик билан ўқиш мумкин эмас. Мен Кетеван Давидовнанинг ўзбек эрига бўлган чексиз садоқати, меҳр-муҳаббати акс этган бу хатни ўқир эканман, у қаршимда фақат аслзода кишиларгагина хос поклиги, фидойилиги, самимийлиги, закийлиги билан гавдаланди. Эри Теҳрондаги хунрезлик пайти ваҳшийларча ўлдирилган Нина Чавчавадзе – машҳур Чавчавадзенинг муҳаббати ва садоқати билан улуғвор қизи – қолган ҳаётини шундай садоқат билан ўтказган ва Грибоедов қабрига оташин юрак сўзлари битилган муҳташам бир ёдгорлик ўрнатган эди. Буни қарангки, Кетеван Давидовна ҳам грузин аёлларининг илоҳий нур ила йўғрилган ана шу анъанасига содиқ қолди.

Мутолаа ва мулоҳаза

ШЕЪР – АХСИЯТ АРҲЛАРИ

Шеър ижодкор ботини, тийнати, фикратининг акси ўлароқ пайдо бўлади. Унда инсон қалбида яшириниб ётган изтироб, пўртана, дард, оғриқ, армон, надомат турли шаклларда зуҳурланади.

Таниқли шоир Сирожиддин Рауфнинг «MASHHUR-PRESS» нашриётида чоп этилган «Муаллақ чексизлик» шеърлар китоби бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Ундаги сатрлар китобхонни олам ва одамнинг моҳияти тўғрисида ўйлашга, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл сабабини англашга ундайди. Ўқувчини фикрлашга мажбурлайдиган бу шеърларда инсонни тушуниш, англаш, ҳис қилиш руҳий эҳтиёж эканлиги ифодаланган, ҳаётнинг турли кўринишлари ҳақида фалсафий мушоҳада юритилган.

«Асл муддаомиз муҳаббат эди» – шоир тирикликни, ҳаёт мазмунини шундай таърифлайди. Муҳаббатсиз инсон пуч, нурсиз, гумроҳ бир жонзот холос. Дарҳақиқат, одам болаларининг шарифлиги – муҳаббати, иймони, ҳақни ноҳақдан ажрата олишида.

Келсак – ярашади муҳаббат учун,
Кулсак – ярашади муҳаббат учун.
Ишқ дебон сарғариб, лахта қон ютиб,
Ўлсак – ярашади муҳаббат учун.

Шоирлик аслида муросасизликдир. Шоир ёлғон, хушомад, хоинлик, пасткашлик, қўрқоқлик, иккиюзламачилик билан ҳеч қачон келишолмайди. Оқлаш асло мумкин бўлмаган иллатлардан ҳазар қилиш унинг шахсини белгиловчи мезон саналади. Руҳий мувозанатини барқарор ушлаб тура олган ижодкоргина самимий ва табиий ёза олади.

«Муаллақ чексизлик»да ҳаётда кўп учрайдиган, ҳатто айрим кишилар яшаш қуролига айлантириб олган иллатлар кескин танқид қилинади.

Сирожиддин Рауф шеърларини ичдан нурлантириб турган нарса унинг шахси билан бевосита боғлиқ. Чунки шахс бўлмаган жойда ҳақиқий ижод бўлмайди. Ҳаётни кураш майдони деб билган муаллифнинг ҳар бир битигида янги фикр, фалсафий мушоҳада, ўткир сўз, кескин хулоса баён этилган. Айниқса, «Бугуннинг одами», «Ҳақиқат», «Туғён», «Фаввора», «Ҳасби ҳол», «Парадокс», «Дунёнинг иши» каби шеърлар ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан маромига етгани, пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради.

«Инсон» трактати таркибига киритилган «Насиба», «Надомат», «Адолат», «Худбинлик», «Она», «Нисбийлик», «Дунё», «Инсоф», «Тақдир», «Ҳақиқат» шеърлари бир қарашда алоҳида мустақил манзумаларга ўхшаб кўринса-да, аслида бир-бирининг узвий давоми ва бир-бирини ўзаро тўлдириб турган реал ҳаётий драматик лавҳалардир.

Шоир инсон олам ва одам ҳақида қанчалик кўп нарсани билгани сайин ўзининг йўқотишларини, қалбидаги кемтикликларни, умр нақадар омонатлигини, ҳар бир лаҳза, ҳар бир нафас ғаниматлигини тобора чуқурроқ англайди, деб уқтиради:

Баҳорни англамай ёзга етибман,
Умрим боғларида ғимирлар кузак.

Шахси мавҳум, қиёфаси хира, мустақил фикрга эга бўлмаган, кимнинг аравасига ўтирса, ўшанинг қўшиғини айтиб кетаверадиган тутуруқсиз, субутсиз, заиф кишилар барча замонларда тараққиётга ғов-тўсиқ бўлишини шоир шундай ифодалайди:

Икки соат минбар олдида
Куйиб-пишиб бечора нотиқ
Ўзининг бир оғиз сўзин айтмади.

Дарвоқе, ўз сўзи бўлмаган киши жуда хавфли, у тўғри келган томонга эргашиб кетавериши, кутилмаган номаъқулчиликларга қўл уриши, шахсий манфаати йўлида бошқаларга хиёнат қилиши мумкин. Жамиятнинг оғриқ нуқтаси бўлган бу тоифадаги кимсаларни қандай қилиб тўғри йўлга солиш мумкин? Уларни ҳидоятга қайтаришнинг иложи борми?

«Ҳатто машҳур шифохона ҳам Дардни тузатади, Одамни эмас». Шоир бу билан табиати сунъийлашиб, дунёқараши мўртлашиб, руҳияти носоғломлашиб бораётганларни тузатишга уриниш самарасиз деган даҳшатли хулоса – ҳукмни билдиради. Йиллар давомида кўрган-кечирганлари, гувоҳ бўлганлари, тушуниб етганлари натижасида ва қанчалар оғир бўлмасин, ҳақиқат барибир ҳамма нарсадан устун, деган фикрга келади. Айнан шу ҳис, шу туйғуни буюк сўз салафлари ижодида учратамиз. Беназир шоир Абдулла Орипов ҳаёти ниҳоясида ёзган шеърларда худди шундай иқрор бўртиб туради.

Шоир шунчаки яшаётганлар, чексиз бемаъни ҳавасларга берилиб кун кечираётганлар ҳаётда ҳеч кимлигини тасвирлайди:

Нимадир аслида ўлим деган сўз,
Ўзи тирик туриб ўлганлар камми?
Қорин қайғусидир уларда гап-сўз,
Беҳуда қувончи, бачкана ғами...

У худбин, қорин-қурсоқ ташвишидан бошқа фикр-хаёли бўлмаган кимсаларни огоҳлантирмоқчи, инсонлик рутбасига муносиб бўлишга ундамоқчи бўлади. Адолатсизлик, ёлғон ва иккиюзламачиликка қарши курашиш шарт, бунда келишиш, сулҳ, муросага асло ўрин йўқ. Акс ҳолда, келажак олдида гуноҳкор, юзи қора бўлиб қоламиз.

Кечаги ялтироқ ёлғон-яшиқлар,
Бугунги ноўрин андиша учун
Бизни кечирарми эртага...тарих?

Сирожиддин Рауф шоирлик ҳақида ёзар экан, шоир ҳам ҳамма каби оддий бир одам, лекин туғилганида Яратган Эгам унга шоир қалбини тортиқ қилган, дейди. Суратан сокин, аммо сийратида исён, тўфон яширин зотнинг оғир ўйлар суришини, турфа мулоқотлардан ичбағри зардобга тўлишини эътироф этади, нафс домига ботган маҳлуқотнинг қилмишларидан озорланади, кўнгли оғрийди, қайғуга ботади. Лекин бундан умидсизликка тушмайди, ғамзада кўнгилга тасалли бўлгувчи умидни нажоткор санайди.

«Уч томчи» сарлавҳаси остида келтирилган уч сатрли тизмаларда шоир фикрлар ғаввосига ўхшайди. Айтмоқчи бўлган ҳар бир инжа фикрини халқона тилда – эл ичида кенг тарқалган айтим, ҳикмат, мақолларни бадиий жиҳатдан қайта жилолаб, ўз ғоявий мақсадига бўйсундиради. Шу усулда айтмоқчи бўлган фалсафий-бадиий умумлашмаларини ўқувчига тушунилиши осон жавоҳирга айлантиради. Шоирнинг маҳорати бор бўй-басти билан кўриниб турган кўплаб шеърларда воқелик ва кечинма параллел равишда тасвирланиши бу асарларнинг ўзига хос алоҳида жиҳатларидан биридир.

Сўз йўли – оғир, машаққатли. Меҳнат сўзининг луғавий маъноси азоблигини эсласак, ижоднинг жуда ноёб, сирли руҳий ҳолат эканлиги ойдинлашади. «Бугун шеър ёзиш – ҳавас. Тушуниш донишмандликдир». Шоир тил учида шеър айтадиганлар, қўл учида ёзадиганлар, томоғи, ҳалқуми билан шеър ўқийдиганлар кўпайиб бораётганидан ўксинади. Шеърда ҳикмат бўлиши шартлигини, шеърни тушуниш, сўзнинг маъно қаватларини кўриш, сезиш, идрок этиш донишмандлик эканлигини ихчам бир тарзда эслатади.

Шеър – шахсият шарҳлари. «Муаллақ чексизлик» китоби айни фикрнинг тасдиғи ва исботидир. Унда шоирнинг руҳияти, қалб кечинмалари, яшаш йўли, маслак-эътиқоди бетакрор бир оҳангда жаранглаган. Китобнинг номидан кўриниб турганидек, бу шеърлар ўқувчини янги бир руҳий оламга бошлаб кетади, уни ердан кўтарилишга, самовий юксакликка чорлайди. Бу шеърлар топиш ва йўқотишлардан чарчаган шиддатли замоннинг фикри теран, зукко китобсеварлари қалбида ҳаётга муҳаббат, эртанги кунга ишонч уйғотади, руҳига ҳаловат бахш этади. Зеро, ҳақиқий ижоднинг куч-қудрати ҳам ана шундадир.

Жудолик кўнгилга солса-да ғулув,
Алвидо демасман бағримни тиғлаб.
Ишонгум: олдинда бордир учрашув,
Салом, деб айтмоққа мудом интиқ лаб.

Илҳом ҒАНИЕВ,
филология фанлари доктори



Табрик

Табрик

Табрик

Табрик

Қорақалпоғистон Республикаси

Мозий синоатлари

Сув остида қолган қалъалар

Хорижлик сайёҳларга гидлик хизмати кўрсатадиган нукуслик Октябрь Доспанов бир куни Оролнинг қуриган тубидан, яъни айни пайтда саксовулзорга айлантирилаётган Сургул массивидан қадимий буюм қолдиқларини топиб олганини айтган эди.
«Сургул» – «Шўр кўл» дегани. Чингизхон истилосидан кейин Амударё Сариқамиш кўлига қуйилган пайтда Орол денгизи шиддат билан чекинган. Табиийки, одамлар ҳам уни овул ва қалъалар қуриб, қувиб борган.
Ўша даврда сув тортилиб, бора-бора шўр кўлга айланиб қолади. Худди ҳозирги денгизнинг қолган қисми каби. Денгизнинг қуриган қисмидан ҳатто карвон йўллари ҳам ўтган. XVI асрга келиб, Амударё яна Оролга қуйила бошлагач, ўша бино ва иншоотлар, қалъалар денгиз остида қолиб кетади.

ҲАКИМ ОТА МАҚБАРАСИ

Яқинда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари Мўйноқ туманидаги «Ҳаким ота» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Ҳаким ота – Сулаймон Боқирғоний зиёрат мажмуаси»да археологик-этнография тадқиқот ишларини олиб бориш давомида XII-XIV асрларга оид тарихий бинолар ва моддий маданият намуналарини топишга муваффақ бўлишди.

Қорақалпоқ давлат университети «Археология» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент Ж.Ҳакимниязовнинг таъкидлашича, тадқиқот ўтказилаётган ҳудуддан намозгоҳ, масжид, 5 гектардан ортиқ майдонда аҳоли яшаган ҳудуд ва 1,5 гектар майдонда қабристон борлиги маълум бўлган. Ҳудуддан турли керамика буюмлари ҳам топилган. Топилмалар фанга қизиқарли маълумотлар ва янгиликлар

тақдим этади. Зеро, «Ҳаким ота» зиёратгоҳида аввал археологик изланишлар ўтказилмаган эди. Тадқиқот ишлари биринчи маротаба олиб борилмоқда.

МАЪЛУМОТ УЧУН: Сулаймон Боқирғоний – тасаввуфнинг йирик намояндаси, шоир. Аҳмад Яссавий тариқатининг давомчиси. Ҳаёти ҳақидаги маълумотлар турли ривоятлар билан қоришиб кетган. Халқ орасида «Ҳаким ота» номи билан ҳам машҳур. Яссавийга мурид (шогирд) бўлган, ўз иқтидори ва шеърий истеъдоди билан пирининг эътиборини қозонган. У ҳозирги «Ҳаким ота» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида умргузаронлик қилган ва Дўстлик қишлоғи ҳудудига дафн этилган.

НУҚБОҒ ҚАЛЪАСИ ТОПИЛДИМИ?

2017 йил январь ойида Тахиатош туманининг «Кенегес» ОФЙ ҳудудида ариқ қазиётган экскаватор тишига сопол қолдиқлари илиниб чиқади. Кейинчалик мазкур идиш синиқлари тумандаги 4-мактаб қошида ташкил этилган музейга экспонат сифатида қўйилади.

– Болалигимизда шу ерларда ўйнаб юрардик, – дейди «Кенегес» ОФЙ ҳудудида яшовчи Валерий Моллабаев. – Ўшанда ер юзасига чиқиб турган деворларни кўрардик. Югуриб ўйнаганимизда бирданига ер ўйилиб, чуқур жойга тушиб кетардик...

2018 йилда бу ерда марҳум археолог олим Ғайратдин Хўжаниязов раҳбарлигида илк бор қисқа муддатли археологик ишлар олиб борилгач, Тахиатошда топилган қалъанинг ёши 1800-2000 йилга тенг экани тасдиқланади. Олимларнинг фаразига кўра, бу Тахиатошда сув остида қолган Нуқбоғ (Тоза боғ) қалъаси бўлиши мумкин.

Ўрта аср араб манбаларида Миздакхон (Ҳозирги Хўжайли тумани маркази) ўзининг ҳудуди ва аҳоли сони бўйича Қиёт ва Гурганждан (Кўҳна Урганч) кейин Жанубий Орол бўйидаги учинчи шаҳар экани қайд этилади. Миздакхон ҳудудида 1200 та овул (қалъа) бўлган. Тахиатош шаҳри қадимий шаҳар қурилишига эга бўлган ҳудудда барпо этилган. Унга 2000 йили ҳудуддан топилган («Кетмончи бобо» мозори) эрамизнинг II-IV, VII-IX, X-XIV асрларига оид буюмлар мисол бўла олади. 2012 йили тоғ бошидаги «Кетмончи-2» мозори қошидан ўрта асрларга оид минора қолдиқлари ҳам аниқланган.

Тарихий манбалардан ўрта асрлардаги халқаро карвон йўлининг бир қисми Бухоро – Варахша – Қизилқум – Шорахан (Тўрткўл) – Кат (Шоббоз-Беруний) – Нузкат – Вайхан – Нуқбоғ – Миздакхон (Хўжайли) – Гурганж (Кўҳна Урганч) йўналишида ўтгани маълум.

Чингизхон аскарлари Гурганж (Кўҳна Урганч)ни сув остида қолдириш мақсадида Жайҳун дарёси оқимини ўзгартириб юборишган. Шунда барча қалъалар, хусусан, Нуқбоғ ҳам сув остида қолган.

ҚОРАТЕРАН ТАГИДАГИ ШАҲАР

Тахтакўпир туманидаги Қоратеран кўлининг остида ҳам катта қалъа қолиб кетгани ҳақида ривоятлар бор.

Ривоятга кўра, ҳозирги Қоратеран кўлининг ўрнида бир салтанат бўлган. Тўрт томони тик жарликдан иборат жойдаги бу шаҳарни ҳеч бир душман босиб олишга журъат қилолмаган.

Ўша даврда бир чўпон йигит адашиб, ушбу кентга келиб қолади. У шоҳнинг гўзал қизига кўнгил қўяди. Қиз ҳам унга мойиллик билдиради. Шоҳдан қизнинг қўлини сўрайди. Аммо уни шаҳардан судраб чиқариб ташлашади. Шунда аламзада йигит ўч олиш мақсадида шаҳарга келаётган сув йўлидаги тўғонни бузиб ташлайди. Қалъа ҳам, одамлар ҳам сув остида қолиб кетади. Йигит ҳам қизни қутқариш учун шаҳарга тушиб, шу жойда ҳалок бўлади.

Ривоят ўз йўлига. Лекин кўлда балиқ овлаган балиқчиларнинг тўрига баъзан кўплаб кўҳна буюмлар илашиб чиққани ҳақида гап-сўзлар юради.

Номидан маълумки, Қоратеран кўлининг туби кўринмайди. Ўтган асрнинг 60-йилларигача дарё суви тушиб турган кўлга кейинчалик коллектор сувлари қуйила бошлаган. Ҳозирда сув ости янада қоронғулашиб кетган. Кўл эса зулмат тубидаги сирни янада яширишга урингандек сокин мавжланиб туради.

ОРОЛ АТЛАНТИДАСИ

2000 йил бошларида Орол денгизининг Қозоғистон қисмидаги суви қуриган майдонидан, яъни Сирдарёнинг денгизга сув қуйиб турган жойидан тахминан 45-50 км. ичкарида тарихий ёдгорликлар топилди. Бу қадимий шаҳарнинг осориатиқалари эди.

Топилган керамик идишлар XIII-XIV асрга тегишли бўлиб чиқди. Денгиз остида қолган ушбу шаҳарга Кердери деб ном берилди. Ҳайрон қоларли жиҳати, у ердан масжид, буюмлари билан дафн қилинган бўйи икки метр келадиган йирик одамларнинг қабрлари чиқди.

Мазкур топилмани дунё археолог олимлари «Орол Атлантидаси» деб атади. Демак, бу шаҳар Амударёнинг Каспийга оқиб турган пайтида бунёд этилган. Кейин қайтадан Оролга кела бошлаганида сув остида қолиб кетган.

АДАҚ ҚАЛЪА ҚАЕРДА?

Орол денгизи остида Адақ номли катта қалъа қолиб кетгани ҳақида илмий қарашлар мавжуд.

Қорақалпоғистонлик марҳум археолог олим Х.Есбергенов «Қўнғиротнинг тарихий ва маданий эсдаликлари» китобида Мўйноқдаги «Тоқмақ ота» қабристонидан топилган бир қабртошда ёзилган қўшиққа эътибор қаратади:

Аслимни сўрасанг Адақ ичида,
Ала буйрак эдим Аджар ичида.

Ушбу қўшиқдан Адақ қалъанинг ҳақиқатан мавжуд бўлгани англашилади, дейди олим. Унинг фикрича, қўшиқдаги Адақ – тарихий қалъа. Сариқамишга яқин 16-17 км. масофада Адақ деган қалъанинг қолдиқлари ҳозир ҳам бор. Адақ қалъаси Сариқамиш қирғоқларида XIV-XV асрларда, Амударё Сариқамиш кўлига қуйилган даврларда пайдо бўлган. Сўнг XVI асрдан бошлаб Амударё қайтадан аввалги асосий ўзани бўйича Орол денгизига оқа бошлаган вақтларда адақликлар сув ёқалаб Орол денгизига қараб кўчган.

* * *

Туркшунос олим, профессор Ауелбек Қўнғиротбоевнинг таъкидлашича, Оролнинг остида шундай 40 та қалъа бор.

Нима бўлганда ҳам, Оролбўйидаги сув остида қолган қалъалар тарихи ҳамон сирли бўлиб қолмоқда. Бу синоатларни очиш эса тарихчи ва археологлар учун худди денгиз мисол чексиз манбадир.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

2021 ЙИЛ 26 АВГУСТ, ПАЙШАНБА
№ 106-109 (4549)

Мушоҳада

МАИШАТГА ВАҚТ ТОПАМИЗ, китоб ўқишга-чи?..

Ҳозир юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, пешлавҳасига «Вино-водка» деган ёзув битилган дўконларга тез-тез кўзингиз тушади. Менинг назаримда, кўплаб жиноятлар, ёмонликлар ва ғалвалар сабабчиси бўлмиш спиртли ичимликлар сотиладиган шохобчалар кейинги пайтларда анча кўпайиб бораётгандек.

Инсониятнинг минг йиллик билим ва маърифатини ўзида жамлаган китоб дўконлари эса йўқ ҳисоби. Уларни, қишлоқларни-ку, қўя турайлик, кўпинча туманлар марказида ҳам тополмайсиз. Борлари ҳам ўқув қуроллари ва диний адабиётлар савдоси ҳисобига аранг «кун кечиряпти».

Бу аҳволни кузатаркансиз, «Нима, биз илм-маърифатдан шунчалик юз ўгирдикми?», деб ҳайратланасиз. Айрим мактаб кутубхоналаридаги муаллифларнинг ўз пули эвазига чоп этилган, ҳомийлар томонидан келтирилган, анчадан буён қўл тегмаган ва чанг босиб ётган китобларга ***(агар уларни китоб дейиш мумкин бўлса)*** кўзингиз тушганда эса ичингиз баттар ачишади.

Одатда, ҳар бир халқнинг тафаккур савиясига унинг аҳолиси қандай асарлар ўқиётганига қараб баҳо берилади. Донишмандлардан бири «Китобларни ёқиб юбориш оғир жиноят, бироқ дунёда ундан-да оғирроқ жиноят бор, бу – китоб ўқимаслик!», деган экан. Фан-техника ниҳоятда ривожланган ҳозирги даврда эса инсоният маънавияти тобора қашшоқлашаётгани ҳақида олимлар ва шифокорлар кўп эслатишмоқда.

Зеро, компьютер, смартфонлар, уяли телефонлар, интернет, ҳатто турли телекўрсатувларда ҳам кенг ўрин эгаллаётган рекламали ва бошқа тасвирий лавҳалар, айниқса, жанговар ўйинлар одамларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини сезиларли равишда сусайтираётгани бор ҳақиқат. Чунки инсоннинг мантиқий тафаккури тасвирни кўриш жараёнида эмас, фикрни тушуниш чоғида шаклланади. Яъни, фикрлаш учун тасвирланган нарсани кўришдан анча ўзгача шарт-шароит керак. Иккинчидан, экранларда акс этган тасвирлар томошабин учун фақат шаблон (сийқаси чиққан усул) вазифасини ўтайди, лекин унинг тасаввури мустақил равишда ижодий ривожланишига йўл бермайди. Фикрнинг бундай тормозланиб қолиши туфайли ақли ноқис ва калта, серзарда одамлар кўпаяди. Оилавий можаролар ва турли жиноятлар ҳам шунинг оқибати ўлароқ келиб чиқади.

Мен баъзида бинойидек ўқимишли танишларим қандай китоблар мутолаа қилишаётганига қизиқаман. Уларнинг деярли барчаси «Китоб ўқишга вақт қаерда?» дея осонгина қутулишади. Шунда беихтиёр ҳазрат Алишер Навоий гўдаклигиданоқ ўз хонадонларида бўлган ғазалхонлик кечаларида падари бузруквори қучоғида ўтириб, баҳс-мунозараларни жон қулоғи билан тинглагани кўз ўнгимда гавдаланади. Ёки рус адабиётининг йирик намояндаси Александр Сергеевич Пушкин отасининг кутубхонасида улғайгани ёдимга тушади.

Абдулла Қодирий бундан юз йил аввал «Миллатимизнинг бой-бадавлат ўғлонлари илм-маърифатдан йироқ, чойхоналарда ароқ, пиво ичиш билан банд», дея бонг урганди. Таассуфки, бу балодан ҳозиргача қутулолмадик. Билъакс, тунги емакхоналарда май базмлари кучайса-кучайяптики, асло камаймаяпти. Бугун айрим кишилар бўш вақтини китоб ўқиш билан эмас, кайфу сафо қилиб ўтказишни афзал кўришяпти.

Ҳолбуки, тараққиётга ва юксалишга фақат билим олиш орқали эришиш мумкин. Шу боис давлатимиз раҳбари ҳам китобхонликни ривожлантириш зарурлиги тўғрисида бот-бот таъкидламоқда. Ҳатто китоб мутолаасини қўллаб-қувватлашга оид махсус қарор ҳам чиқди. Айни чоғда, яна бир муаммо ҳам борки, уни айтмасак, инсофдан бўлмас. Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев таъкидлаганидек, «Шундоқ ҳам ўқирманлардан кўра, ёзарманлар кўпайган замонимизда китоб нашрига 15 фоизли ҚҚС солиниши кўзда тутилаётгани китобхонлик маданиятини юксалтиришга берилган зарбага ўхшайди». Ҳеч қайси даврда маънавият-маърифат давлатга моддий манфаат келтирмаган. Бас, шундай экан, маънавиятни пулга чақиш, ундан даромад олишни кўзлаш нечоғли тўғри?

Солиқчиларнинг тушунтиришларича, ушбу йўл чет эл тажрибасидан келиб чиқиб, танланган эмиш. Ажабо! У ҳолда, эрта-бир кун хорижлик эркаклар юбка кийсалар, бу одатни ҳам бизда жорий қилиш керакми?

Менимча, миллати келажагини ўйлаган ҳар бир инсон маънавиятни қўллаб-қувватлаши шарт. Бадиий асарлар асосан иш вақтидан кейин, тунларни бедор ўтказиш ҳисобига яратилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Энг муҳими, ҳозир ҳам ҳақиқий истеъдод эгаларининг фидойиликлари эвазига ўқишга ва ўқишга арзигулик асарлар ёзиляпти. Бироқ, аввалари 50 минг-100 минг ададда нашр этилган асарлар эндиликда, нари борса, 3-5 минг нусхада чоп этиляпти. Устига-устак, муаллиф қалам ҳақи эвазига 20-30 та китоб билан «сийланяпти», қоғозга ва асарни чоп этишга топилган пул тунни тонгга улаб асар ёзган ижодкорга келганда, топилмай қоляпти. Аслида, ёзган китобидан, аввало, ижодкорнинг ўзи манфаатдор бўлиши керак. Ана шундагина у жаҳон адабиёти дурдоналарига монанд асарлар яратишга интилади.

Зеро, компьютер, смартфонлар, уяли телефонлар, интернет, ҳатто турли телекўрсатувларда ҳам кенг ўрин эгаллаётган рекламали ва бошқа тасвирий лавҳалар, айниқса, жанговар ўйинлар одамларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини сезиларли равишда сусайтираётгани бор ҳақиқат. Чунки инсоннинг мантиқий тафаккури тасвирни кўриш жараёнида эмас, фикрни тушуниш чоғида шаклланади. Яъни фикрлаш учун тасвирланган нарсани кўришдан анча ўзгача шарт-шароит керак.

Ўтмиш сабоқларидан аёнки, ривожланган давлатларнинг маънавий таназзулга юз тутиши китобга муносабат заифлигидан бошланган. Шунинг учун ҳам манаман деган Европа давлатлари ҳам Шарқ маънавий меросини ўрганишга мажбур бўлишмоқда. Биз эса нималар билан машғулмиз? Гоҳо қасрдек уйларда биронта китобни кўрмайсиз. Одатда, ўша хонадон эгалари хорижнинг фалон доллар турадиган машинаси-ю, мебелларини сотиб олишгани, ҳашамли тўй-маъракалар ўтказишгани билан мақтанишни хуш кўришади. Лекин инсон тафаккурини бойитадиган, кўнглига осойишталик ва ҳаловат бағишлайдиган кутубхона ёки китоб дўконига сўнгги бор қачон кирганини эслай олишмайди. Шу маънода илм-маърифатдан йироқлашган авлодга ачинган Чўлпоннинг дарду ҳасратларини тушунса бўлади:

Мактаб ўрнига очилди ҳар маҳаллада майхона,
Нафрат эттмак нари турсун, шоду хандон бизнинг халқ.
Мактабга йўқ бир тийини, тўйга минг сўмлаб берур,
Чораси мушкул касалга мубталодир бизнинг халқ.

Андижон давлат университети фахрий профессори, марҳум Сайфиддин Жалилов эса «Маънавият, маънавият деймиз, аммо маънавиятга бўлган эътибор чорвачиликдан ҳам кейинги ўринда туради», деган эди.

Бинобарин, бугунги кунда китобхонликни ва китоб савдосини тартибга солиш барчамизнинг бурчимиз бўлиши шарт. Мен шундан келиб чиқиб, китобхонликни тарғиб этишга оид баъзи фикрларимни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Бундан 3-4 йил бурун Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов китобхонлик борасида хайрли ташаббус бошлади. Унга кўра, ҳар бир ташкилот-корхона ва таълим муассасасида китоб жавонлари очилди. Оз бўлса-да, китоблар одамлар қўлига етиб борди. Аммо ҳозирги кунда бу усул ҳам китобхонлик савиясини кўтариш учун етарли эмас, деб ўйлайман. Чунки ҳар бир туманда Ахборот-ресурс маркази деб аталмиш кутубхоналарда турли китоблар чанг босиб ётгани ҳеч кимга сир эмас. Модомики, улар ўқилмаётган экан, инглиз ёзувчиси Даниэл Дефонинг қаҳрамони Робинзон Крузо айтганидек, «Қайиқ денгизга бормаса, денгиз қайиқнинг олдига келади» қабилида иш тутмоқ зарур. Айни мақсадда Ахборот-ресурс марказларига «Дамас» автомашиналари ажратилса, уларда ҳафтада бир марта муайян маҳаллага китоблар олиб борилиб, кекса-ю ёш китобхонликка даъват этилса, менимча, фойдадан холи бўлмайди.

Қолаверса, бизда чойхоналар азалдан ўзига хос маънавият ўчоғи саналган. Бу имкониятдан фойдаланиб, уларнинг ҳар бирида кичикроқ кутубхона очиш зарар қилмайди. Шунингдек, эркаклар сартарошхоналарида, гўзаллик салонларида ва темир йўл вокзалларида ҳам чоғроққина кутубхона ва китоб жавонлари ташкил этиб, тарғибот ишларини олиб бориш мумкин.

Сирасини айтганда, китоблар – маънавият-маърифат чироғи, инсонларни тўғри йўлга бошлайдиган маёқ. Шундай экан, ҳаммамиз ҳар куни унга ошно тутиниб, тафаккуримизни бойитишга ҳаракат қилайлик. Лекин зинҳор-базинҳор бу туганмас хазинага йўл игна билан қудуқ қазишдек машаққатли ва узлуксиз ҳаракатда бўлишни талаб қиладиган иш эканини унутмайлик.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
журналист

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар:
Ж.Наҳанов,
А. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳлар:
Д. Худойберганова,
Ғ.Мираҳмедов

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **06:50**
Топширилди – **07:10**

Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 8 босма табоқ.
Буюртма **Г – 806.**
27619 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Орамиздаги одамлар

Ўзбекистон телерадиокомпанияси тарихида шундай кўрсатувлар борки, улар томошабинни сеҳрлаб олгандек экран қаршисига тортаверган. Ана шундай ижодий ишлар қаторига «Қизлар давраси» ва «Ўзбегим ўғлонлари» кўрсатувларини ҳам қўшиш мумкин. Қаҳрамонимиз – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, «Олтин қалам» Халқаро миллий мукофоти совриндори Лутфия Рўзибоева – ана шу кўрсатувларни эл севган даражага олиб чиққан фидойи ижодкорлардан бири.

ЮЛДУЗЛАРНИ КАШФ ЭТГАН РЕЖИССЁР

Лутфия опа 1941 йили Самарқанд шаҳрида Солижон Рўзибоев ва Субхия Файзуллаевалар хонадонида дунёга келган. Оиладаги ижодий муҳит фарзандларнинг маданият ва санъатга ошно бўлиб улғайишида муҳим ўрин тутган. Лутфия опанинг катта акаси Эмил Рўзибоев истеъдодли рассом бўлиб, 40 йилдан ошиқ вақт мобайнида халқимизга хизмат қилган бўлса, иккинчи акаси Даниел Рўзибоев – машҳур ҳайкалтарош.

– Болалик йилларим уруш даврига тўғри келган, – дея эслайди Лутфия Рўзибоева. – Маҳалламизга қрим-татар, рус миллатига мансуб оилалар кўчиб келишган эди, улар билан бирга ўйнаб катта бўлдик, рус ва татар тилини ўргандим. 1953 йил отамнинг иши ўзгаргани сабабли Тошкентга кўчиб келдик.

Тошкент давлат санъат институтини 1965 йилда тугатгач, Лутфия опа Ўзбекистон телевидениесида ишлаш учун йўлланма олади ва илк меҳнат фаолиятини режиссёр ассистентлигидан бошлайди. Кейинчалик сиёсий тарғибот йўналишида ишлаб, «Қизлар давраси», «Ўзбегим ўғлонлари» каби кўрсатувлар яратди, «Ўзбегим ёшлари» ансамблини тузди. Уларга ҳам муаллиф, ҳам режиссёр сифатида бор куч ва салоҳиятини бағишлади.

Кўрсатувнинг ҳар бир сони турли вилоятларда, олий-гоҳларда олинарди. Иштирокчиларни танлашда нафақат уларнинг истеъдоди, балки одоб-ахлоқи ва маънавий қиёфасига ҳам катта эътибор қаратиларди. Қатнашчиларга талаб кучли бўлганидан ҳақиқий «ёниб турган» оловқалб ёшлар танланар ва улар кўрсатув баҳонасида халққа илк кўриниш бериб, кейинчалик эса ўз истеъдодини кенгроқ намойиш этиш имкониятига эга бўлар, секин-аста элга таниларди. Шу боис «Қизлар давраси» кўрсатуви ва «Ўзбегим ёшлари» ансамблининг қатнашчилари орасидан машҳур санъаткорлар – Милена Матмусаева, Татьяна Зайцева, Женисбек Пиязов, Машҳурбек Раҳимжонов, Наврўзбек Мамадияров, Фарҳод Қамбаров, Шербек Шодиев ва Шерзодбек Ортиқов, Аброр Эшбоев каби санъаткорлар етишиб чиққан бўлса, «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совриндорлари – Камола Эрматова, Рухсора Аҳмедова, Наргиза Раҳимова, Дилноза Ортиқова каби эл хизматига шай, ўз соҳасида етакчи қизлар кашф этилди. Опага шогирд тушганларнинг аксарияти халқаро фестиваллар иштирокчиси бўлиб, бу мактабда чиниқишди, тажриба орттиришди. Улар орасида етук администраторлар, таржимонлар, хонандалар, созандалар, раққосалар, бастакорлар бор. Санъат йўлидан кетмаганлари ҳам ўз соҳасининг билимдонлари.

Лутфия Рўзибоеванинг кўрсатувида иштирок этган истеъдодли ёшларни юртимизнинг барча вилоятларида учратиш мумкин. Опа чекка қишлоқларни кезиб, эринмасдан кўрсатув учун энг муносиб ёшларни ахтарар, кези келганда, уларга ёрдам беришга интиларди. Турмуш ўртоғи Журъат ака эса опани ишда ҳам, оилада ҳам доим қўллаб-қувватлар эди.

– Аввал «Қизлар давраси»да бошловчилик қилганман. Кези келганда, ашула ҳам айтганман, рақсга ҳам тушганман, – дейди Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида сухандон бўлиб ишлаётган Рухсора Аҳмедова. – Лутфия опам ўз ишига жуда пухта ва қаттиққўл эди, ҳар биримиздан юкланган вазифани юксак даражада бажаришимизни талаб қиларди. Иштирокчилар орасида кимдир ноўрин хатти-ҳаракат қилса, «патта»сини бериб юборарди. Агар орамизда кимдир қийналиб қолса, ўқишининг шартнома пулларини тўлаб берарди, айрим муҳтож ёш оилаларга тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб, уй олиб берган. Бир куни Женисбек Пиязов тайёргарликка келолмай, ошқозоним оғрияпти, деб қўнғироқ қилганида, Лутфия опа, тезда таксига ўтириб кел, кира ҳақини ўзим бераман, деди. Сўнг Женисбек билан келган икки талабани ҳам кафега тушлик қилгани юборди. Шу пайт Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ишлайдиган шогирди қўнғироқ қилиб қолди. Суҳбат асносида опа қорақалпоғистонлик икки истеъдодли талаба ҳар томонлама кўмакка муҳтожлигини айтиб, имкон борича ёрдам сўради. Кўп ўтмай, уларга ёрдам берилди... Мен ана шундай ўзгалар дарди билан яшашга қодир, катта юрак, катта қалб соҳибаси Лутфия опага шогирд эканимдан, ҳаёт йўлимда уларни учратганимдан беҳад миннатдорман.

Дарҳақиқат, Лутфия опанинг шижоатини кўпчилик яхши билган. Шунинг учун ҳам уни 1985-1987 йилларда Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари чегарасида жойлашган Муборак туманига мафкуравий ишлар бўйича фирқа котиби бўлиб ишлашга жўнатишган. Опа бу вазифани сидқидилдан бажаргач, кейинчалик Ўзбекистон Марказий қўмитасига ишга келди.

Бугун опа икки нафар фарзанди, беш нафар невараси ва уч нафар чевараси даврасида бахтли-саодатли умргузаронлик қилиб, кексалик гаштини сурмоқда. Аммо бир лаҳза ҳам бекор ўтирмайди. Ҳали китоблар чиқаришни ўйласа, ҳали у, ҳали бу шогирдининг қайсидир юмушига кўмаклашади, ҳеч бўлмаганда, маслаҳат беради. Хонадонидан эса дўстлари, шогирдларининг қадами узилмайди.

– Ҳар куни умид, ишонч ва эътиқод билан яшайман, – дейди Лутфия Рўзибоева. – Фарзандларим, шогирдларим ва набираларимга «ҳеч қачон иймон-эътиқодингни сотма, эртага бугундан ҳам яхши бўлишига ишониб ҳаракат қил!», дея уқтираман. Инсон сўзи ва амалида собит бўлса, ҳалол бўлса, ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ҳа, қаҳрамонимиз бутун умр ана шу эътиқодига содиқ қолиб яшади, меҳнат қилди ва ҳурмат-эътибор қозонди. Кўплаб юлдузларни кашф этган режиссёр опамизга узоқ умр ва мустаҳкам саломатлик тилаймиз.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

«Ботаника санаторийси» МЧЖда «Янги Ўзбекистон» газетасида эълон қилинган «Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда», шунингдек, «Ishonch» газетасида чоп этилган «Шавкат Мирзиёев феномени» мақолаларига бағишлаб «Маърифат соати» ўтказилди.

Маърифат соати

Моҳиятни англаб...

Сўзга чиққанлар юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, айниқса, сўнгги йилларда хотин-қизларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликлар ҳақида сўз юритишди. Юртбошимиз айтганларидек, Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланиши, ҳар бир инсон бу йўлда фидойилик кўрсатиб меҳнат қилиши лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Севара ЭШОНҚУЛОВА,
«Ботаника» санаторийси ходими

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университетнинг «Физика-математика» факультети декани Ғайрат Жабборовга акаси **Азамат ЖАББОРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.